


84 43
14-18

ҚУБЖОН ШУКУРОВ



ҚУЁШ БОЛАЛАРИ

ЎЗДАВНАШР

ЁҚУВЖОН ШУКУРОВ


ЗМК

Қуёш болалари



ҲИКОЯЛАР ВА ОЧЕРКЛАР

ЎзССР Давлат Нашриёти
Тошкент — 1952





НОТАНИШ ДУСТЛАР

Фарҳод мактабга келиши блан унга битта кўк конверт беришди.

— Ие, Ашхабоддан?!— деди ҳайрон бўлиб Фарҳод конверт устидаги адресга кўз югуртирган.— Давлат Байрамов ёзипти! Бу ким бўлди?

У, кўк конвертни энди очмоқчи бўлганида, дарсга кўнғироқ чалиниб қолди, Фарҳод хатни шими чўнтагига солди-да, синфга кириб кетди. Дарс бошланди.

Уқитучи контроль иш бўлишини айтди, ҳамма контроль дафтарларини очди. Фарҳод доскага ёзилган масалаларни биринчи бўлиб ечди-да, дафтарини ўқи-

Ўрта ва катта ёшдаги
болалар учун

На узбекском языке

Я. ШУКУРОВ

ДЕТИ СОЛНЦА

(РАССКАЗЫ И ОЧЕРКИ)

Госиздат УзССР
Ташкент — 1952

Редактор М. Усмон
Рассом А. Назиров

Техред Я. Пинхасов
Корректор С. Ҳабиба

Босишга рухсат этилди 29/II 1952 й. Р 01993. Қоғоз $84 \times 108/_{32} = 1,75$ қоғоз листи—5,74 печ. л. Учет. нашр. л 5,07. Договор № 412—1949 й. Индекс: б/а. Тиражи 30 000. Баҳоси 2 с. 55 т.

ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекполиграфнашрнинг
№ 1 босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33. Заказ № 3.

тучига топшириб, югурганича мактаб боғига чиқиб кетди. У апил-тапил конвертни очди.

Фарҳодга нотаниш боладан хат келишининг сабаби шундай эди: бундан бирнеча йил бурун Фарҳодлар оиласи янги уйга кўчиб боришди. Фарҳод бу ҳовлини мевазор, гулзор боғчага айлантиришга аҳд қилди. У ўша йили баҳорда бирнеча кўчат ўтқазиб, ёзи блан парвариш қилди. Кузда эса, яъна ўн туп олма блан нок кўчати ўтқазди. Мева дарахтларининг яхши нав'ларини келтириб пайванд қилди. Ариқ бўйларига ҳархил гуллар экди. Ҳовлидаги кўчатлар бирин-кетин мевага кирабошлади.

А'лочи Фарҳоднинг гўзал боғчасини ўқучилар келиб завқ блан тамоша қилишарди. Бир мухбир Фарҳоднинг ташаббусини газетага ҳам ёзиб чиқди.

Бир куни ашхабодли Давлат деган пионер газетада Фарҳоднинг расмини кўриб қолди. Оппоқ кийинган Фарҳод ўз ҳовлисида чамандек очилган гулларини тамоша қилиб турар эди.

— Мана, буни қаранг!— деди Давлат газетани онасига кўрсатиб,— шу бола бундан уч йил илгари ҳовлисига ҳархил ниҳоллар ўтқазган экан. Бу йил улар гуллапти!

— Вой, бунча ҳам чиройли ҳовли экан, гулларнинг чаман бўлиб туришини қара-я! Боланинг ўзи-чи! Бунча ҳам яхши, худди гулга ўхшайди! Бўйнидаги қизил галстугининг ярашганини айт!— деди Давлатнинг онаси расмга тикилиб.— Баракалла ўшанга, хўп ақли расо бола экан! Уйлари ҳам янги қурилганга ўхшайди.

— Илгари-чи, ойи, шу жойда битта ҳам дарахт бўлмаган экан, ҳаммасини ўзи экипти.

— У қаерли бола? Исми нима экан?

— Фарҳод Расулов, Ўзбекистонли. Биласизми ойи, мен Фарҳодга хат ёзиб, у блан дўстлашмоқчиман.

— Жуда яхши, ёз, хурсанд бўлади. Фарҳодга мендан ҳам салом дегин, хўпми?

— Хўп...

Давлат ўз дарсхонасига кириб хатни ўқий бошлади: «Салом, ўртоқ Фарҳод! Кўчатларингизни кўриб жуда хурсанд бўлдик. Ойим сизга салом айтдилар. Мен ҳам пионерман. Аммо баҳоларим сизникидай ҳаммаси «5» эмас. Учтаси «4». Чорак охиригача уларни ҳам «5» га етказаман. Агар истасангиз, иккаламиз ўртоқ бўлсак... Мен ҳам ўз ҳовлимга кўчат экишга аҳд қилдим. Ўртоқларингизга мenden салом айтиб қўйинг, сўзим шу. Хат ёзучи Давлат Байрамов».

Фарҳод мактубдан хурсанд бўлиб, ўртоқларига ўқиб берди. Унинг отрядидаги пионерлар Давлат отрядига хат ёзиб, улар билан дўстлашишга қарор қилишди.

Икки ўртада ёзишмалар бошланиб кетди. Ҳарбир отряд ўз иши ва ютуқларидан хабар қилиб турди.

Фарҳод отрядининг пионерлари ўзлари тўплаган йиғирма олти хил гул уруғини яшикчага солиб, Давлат отрядига совға қилиб юборишди. Орадан икки ой ўтгач, отряд номига Ашхабоддан посилка келди.

— Хўш, посилкани ким очади?— деди отряд вожа- тийси Фаттоҳ Ҳақимов.

Болалар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди.

— Бўлмаса бундай,— деди Фаттоҳ,— посилкани ма- на шу дўстлигимизнинг сабабчиси — Фарҳод очсин! Ни- ма дейсизлар?

Бу гап ҳаммага ма'қул тушди.

— Нима юборишди экан-а?— деди бир пионер.

— Менинг билишимча, китоб юборишган,— деди иккинчи пионер.

— Балки улар ўз отрядлари ҳақида альбом тузиб юборишгандир.

— Ўхў! Ановни қараганлар-а!— деди яшикнинг қопқо- гини кўтарган Фарҳод кўзларини катта очиб.

— Ие, гилам-ку!

— Ипаки гилам!

— Ленин расми! Аёна, ўртоқ Сталин расми ҳам бор экан!

Гилямнинг тагига чиройлик хат блан: «Замира Муталова номли пионер отрядига, Олег Кошевой номли пионер отрядидан совға!» деб ёзилган эди.

— Ўртадаги Кремль расмини қаранглар-а! Яшасин дўстларимиз! Қандай тўқнишди экан-а?!

— Ленин ва Сталин расмларини хўп ўхшатишти-
тими?

— Ие, буёқда мактуб ҳам бор экан!

— Қани, ўқи тезроқ!

Фаттоҳ хатни ўқиб берди: «Салом, қадрдон дўстлар! Бизга юборган гул уруғларингиз учун ўз номимиздан ва мактаб дирекциямиз номидан катта раҳматлар билдира-
миз. Бизнинг совғамизни ҳам қабул этишларингизни сўраймиз! Ҳаммамиз учинчи чоракни муваффақият блан тамомладик, десак бўлади. Тўртинчи чоракни фа-
қат «беш» баҳо олиб тамомлаш учун сизларга сўз бера-
миз!»

— Мана, гапим тўғри чиқди-ку!— деди Фарҳод хур-
санд бўлиб,— улар охири чоракни нуқул «беш» блан
тамомлашмоқчи. Бизда-чи? Бизда ҳалигача «уч» баҳо
олиб келганлар ҳам бор! Агар Омон блан Рустамга
тузукроқ ёрдам берганимизда, шунақа бўлмас эди.

Худди биров уялтираётгандек, Фарҳод қизариб, синф-
дошларига тикилди.

— Бетоб бўлиб қолмаганимда, менда уч баҳо сра
ҳам бўлмас эди,— деди ўксиниб Рустам.

* * *

Бугун болалар мактабга ҳаркунгидан эрта келишди.

— Ашхабодда ер қимирлаганини эшитдингларми?—
сўради синфга кириб келган Фарҳод ваҳима блан.—
Дўстларимиз тинчмикан-а? Қандай хабар оламиз?

— Бизлар ҳам шунга ҳайронмиз,— деди Фаттоҳ ўй-
чан.— Хат ёзсакмикан?

— Тўхтанглар,— деди Фарҳод тўсатдан,— мактаб
директори номига телеграмма юбормаймизми?

— Жуда яхши, юборамиз!

Болалар ўтириб, бир пасда телеграмма ёзишди. Фарҳод телеграммани олиб, почта томон ўқдай учди...

Эртаси куни болалар хўн кутишди. Улар танаффус пайтларида мактаб секретари ёнига кириб:

— Ашхабоддан дарак йўқми? Телеграмма келмади-ми?— деб суриштиравердилар.

Вақт ўтган сайин болаларнинг ташвиши ортиб борар, ҳарбир соат уларга худди бир ойдек узоқ туюлар эди.

— Ҳозир катта танаффус!— деди Фарҳод ўқитучи синфдан чиқиб кетгач,— мен почтага бориб, суриштириб келай-чи.

Фарҳод энди синфдан чиқиб кетаётган эди, секретарь қиз кириб келди-да:

— Қани, суюнчини ким беради?— деб қичқирди.— Ашхабоддан телеграмма!

— Нима ёзипти?!— шошилиб сўради Фарҳод.

Фарҳод телеграммани очиб ўқиди. Унда ярадор бўлган Давлат ва яна олти пионернинг самолётда Тошкент касалхонасига олиб кетилгани ёзилган эди.

— Қайси касалхонага келтирилган экан? Уларни қандай топдик?— деди Фарҳод ташвишланиб.

— Эртагаёқ топамиз!— деди Фаттоҳ қат'ият блан.— Ўқишдан кейин шаҳар справка бюросига бориб Тошкентдаги ҳамма касалхоналарнинг адресини оламиз. Эртага дам олиш куни касалхоналарни суриштириб чиқамиз.

— Жуда соз!— деди Фарҳод хурсанд бўлиб.— Лекин телефон орқали суриштирақолсак тез бўлади-ку!

— Тез бўлгани блан ўзларини ҳам кўриш керак-да.

Пионерлар эртаси куни Фарҳодларникига йиғилишиб, шу ердан чиқиб кетишди. Улар бир касалхонага бориб топишмади. Иккинчи касалхонада бошврач:

— Хўш, йигитлар, кимни кўргани келдинглар?— деб сўради.

— Биз ашхабодли Байрамов, Қиличов деган бола-
ларни қидириб юрибмиз,— деди Фарҳод.

— Қариндош бўласизларми?

— Йўқ, дўстимиз.

— Уларнинг туғилган йили ва номларини айтингиз-
чи?

— Исмлари Давлат, Шоберди, лекин туғилган йил-
ларини аниқ билмаймиз.

— Билмаймиз? Ана холос! Дўстлар ҳам шундай
бўладими?

— Узимиз яқинда танишган эдик,— деди Фарҳод
уялиб.

— Ашхабодга борган эдингизми?

— Йўқ, хат орқали танишганмиз.

— Ие, ҳали бир-бирларингизни танимас экансизлар-
да?— деди врач таажжубланиб.

— Тўғри, танимаймиз,— дейишди болалар қизариб.

— Оббо йигитлар-ей,— деди врач Фарҳоднинг елка-
сига қоқиб,— нотаниш дўстларни қидирамиз, денглар!
Дўстларингиз шуерда.

— Давлат ҳам шуердами?!— сўради Фарҳод қувониб.

— Шуерда ўғлим, шуерда!— деди врач жилмайиб,—
Давлатнинг яраси унча хавфли эмас, тезда тузатамиз.

Болалар йўлда кетишаётиб, мактаб бошпионер вожа-
тийсига дуч келишди.


— Зокир ака, дўстларимизни топдик,— деди Фаттоҳ
биринчи салют бературиб.

— Дўстлар ана шундай бўлиши керак,— деди вожа-
тий.— Уларнинг қачон чиқишини билдиларингми?

— Билдик,— деди Фарҳод шошилиб.— Яна бир ҳафта-
дан кейин чиқар эмиш. Врач ўшанда кўришасизлар, деди!

— Бўпти, тузалиб чиқадиган куни мактабда ҳамма
пионер ва ўқучилар блан учрашув ўтказамиз.

Болалар бирҳафтага қадар ҳар куни госпитальга
қатнаб, дўстларига китоб, гул, мева ва бонқа совғалар
олиб бориб туришди.



Тўққизинчи куни врач болаларнинг тузалганини айтди.

Меҳмонларни олиб келиш учун мактаб бошпионер
южатиин Зокир а'лочи ўқучилар блан госпитальга
жўнади.

Мана ашхабодли болалар иккита — иккита тизили-
либ госпитальдан чиқиб келишди. Ўз дўстларини кўриш
блан беҳад хурсанд бўлган пионерлар қўлларидаги
гулдасталарини тақдим этиб, бир четдан қучоқлашиб
кўришабошладилар.

— Фарҳод, уларнинг қайсибири Давлат?— сўради
Фаттоҳ шивирлаб.

Фарҳод болаларга бирма-бир кўз ташлаб, «билалма-
дим» дегандай елкасини қисди. У, меҳмонлардан сра
кўзини узмай, дўстини таниб олишга уринар эди.

Фарҳод охирда, қора костюм, гилам дўппи кийган
бугдойранг, узунчоқ юзли бир бола блан кўришди. Бу
бола кўришатуриб:

— Давлат Байрамов!— дея ўзини танитиб қўйди.


— Вой, Давлат сизмисиз?!— деди Фарҳод ҳайратда
қолиб. У шошилиб қайтадан кўришабошлади.— Мен
Фарҳодман, ўртоқжон, яхши бўлиб қолдингизми?


Болалар суюнишганидан қарсак чалиб юборишди.

— Фаттоҳ қайсибирларингиз?— деб сўради. Давлат.

— Мен бўламан, салом Давлат!

Фаттоҳ иккинчи марта қучоқлашиб кўришди-да, Дав-
латни машинага таклиф этди. Пионерлар машинага ўти-
ришиб, жўнаб кетишди. Чунки, уларни мактаб боғида юз-
ларча пионерлар гулдасталар ушлаб кутиб туришар эди.





ХИРУРГ

Бирхилда зангор шойи кўйлак ва туфли кийган икки қиз истироҳат боғига кириб келишди. Уларнинг бири бошига гилам дўппи кийган, иккинчиси катак дурра ўраган.

Фонтан рўпарасига келганда гилам дўппили қиз чап йўлкадан ўтаётган баланд бўйли, оқ кийимли, чўққисоқол бир кишини кўрди-да, худди чўчигандек бирдан тўхтаб қолди. У киши қизга бир назар ташлагач, бепарвогина ўтиб кетаверди. Бу ҳолатдан ажабланган дуррали қиз ялт этиб дугонасига қаради. Гилам дўппили қиз аллақандай шодлик ва ҳаяжон блан нафас олар эди.

— Саодат, нима бўлди сенга?— сўради дуррали қиз ажабланиб.

— Буёққа юр, ўртоқ!— Саодат чўққисоқол кишидан кўзини узмай, дугонасининг қўлидан судради. У, ҳалиги кишини йўқотиб қўймаслик учун шошилиб борар эди.

— Саодат, нима гап ўзи, тушунтирсанг-чи!— деди унинг орқасидан кетаётган дуррали қиз ҳайрон бўлиб.

— Зухраҳон, юравер, кейин айтаман! Тар бўл, йўқотиб қўямиз!

Саодат чўққисоқол кишига етганда, юришни секинлатиб, Зухрага қайрилди-да, мароқли жилмайиш блан ҳалиги кишини кўрсатиб имо қилди. Унинг завқли жилмайишидан аллақандай сир сезилиб турар эди. Лекин Зухра ҳечнарсa тушунмади. Саодат у кишини тўхтатмоқчи бўлиб яқинлашди-ю, ийманиш блан юришни секинлатди.

Ҳалиги киши бўлса тўппа-тўғри богнинг катта дарвозаси томон юрди. Унинг богдан чиқиб кетаётганини пайқаган Саодат илдам бориб, мулойим овоз блан:

— Сергей Лаврентьевич!— деди.

Сергей Лаврентьевич қайрилиб таажжуб блан Саодатга тикилди.

— Салом, Сергей Лаврентьевич!— деди Саодат, унга иссиқ боқиб. Саодатнинг оппоқ юзи қизариб кетди.

— Салом, қизим!— деди Сергей Лаврентьевич ўйчан тикилиб.

— Омонмисиз, Сергей Лаврентьевич? Соғлигингиз яхшими?— деди Саодат устма-уст.

— Ҳа, раҳмат қизим, саломатман!— деди Сергей Лаврентьевич. У нима учундир ўнғайсизланар ва Саодатга нима дейишини билмай, дудуғланар эди.— Қизим, кечирасиз, сизнинг исмингиз нима эди?

* * *

... Бундан ўн икки йил муқаддам Саодат еттинчи синфни битириш олдида касалга чалиниб қолди. Иситмаси кўтарилди. Иштаҳаси йўқолди. Тез-тез йўталабошлади. Саодат ўз-ўзига: «Кеча мевани кўпроқ еб қўйган эдим, ўша иситма чиқараётган бўлса керак» деб бепарволик қилиб, врачга мурожаат этмади. Унинг ота-онаси ҳам: «Эрта-индин тузалиб кетар» деб юраверишди.

Орадан бирнеча кун ўтди. Саодатнинг аҳволи оғирлашаборди. Йўтали яна кучайди. Узоқ бетоб ётган кишидек кундан-кун озиб, рангсизланди. Бу ҳолдан қўрқиб кетган Саодатнинг отаси Носир ака уйга врач чақирди. Врач

касални диққат блан текширгач, Носир акани четга имлаб: «Қизчани кечиктирмай касалхонага элтиш зарур» деди.

Носир ака халлослаганича бориб колхознинг энгил машинасини олиб келди. У, врачнинг четга имлаб айтган «кечиктирмай» деган сўздан ваҳмага тушган эди.

Саодат йўлда кетаётиб қаттиқ бир йўталди-да, қон туфлади. Қўрқиб кетган Носир ака машинани тўхтаттириб, дўпписи блан қизини шошилиб елпийбошлади. Саодат тобора ҳолсизланар, унинг ҳаммаёғидан тер қуюлар эди.

— Тезроқ ҳайдасин!— деди Саодат кўкрагини босган ҳолда инқиллаб.

— Ҳайда!— деди Носир ака, қизидан кўзини узмай, қалин қошларини йиғиб.

Машина олдинга интилди. Саодатнинг оғирлашаётганидан безовта бўлган шофер машинани жуда усталик блан, борган сайин илдам ҳайдашга ҳаракат қилди.

Машина касалхонага етиб келиши блан, Саодатни қабулхонага олиб кетишди. Орадан кўп ўтмай, ҳамширалар уни тўғри рентген кабинетига олиб боришди.

— Қизингизнинг ўпкасига эхинакокк тушган, аҳволи анча оғир,— деди Носир ака ёнига чиқиб келган врач.

— Қаердан тушади, бу ўзи қанақа нарса?— шошилиб сўради Носир ака.

— Эхинакокк дегани микробга ўхшаган бирхил текинхўр нарса бўлади. У кўпроқ ҳайвонларда бўлади,— деб тушунтирабошлади врач.— Киши ҳайвонларни, айниқса итларни ушлаб, бепарволик блан қўлини ювмай овқат еб қўйиши мумкин. Ана шундай пайтларда бу текинхўр одамга ўтади-да, кишининг ўпка, жигар ва бошқа жойларига ўрнашиб қолади. Ўша жойда болалаб, баданни чиритади. Қизингизнинг ўпкасига тушган эхинакокк ҳам ўпканинг талай қисмини ишдан чиқариб қўйган. Ҳозир ўша жой ёрилган. Касалнинг қон туфлаши ҳам шундан.

— Энди нима қилиш керак?— ваҳима блан сўради Носир ака кўзларини катта очиб.

Саодат чўққисоқол кишига етганда, юришни секинлатиб, Зухрага қайрилди-да, мароқли жилмайиш блан ҳалиги кишини кўрсатиб имо қилди. Унинг завқли жилмайишидан аллақандай сир сезилиб турар эди. Лекин Зухра ҳечнарсa тушунмади. Саодат у кишини тўхтатмоқчи бўлиб яқинлашди-ю, ийманиш блан юришни секинлатди.

Ҳалиги киши бўлса тўппа-тўғри боғнинг катта дарвозаси томон юрди. Унинг боғдан чиқиб кетаётганини пайқаган Саодат илдам бориб, мулойим овоз блан:

— Сергей Лаврентьевич!— деди.

Сергей Лаврентьевич қайрилиб таажжуб блан Саодатга тикилди.

— Салом, Сергей Лаврентьевич!— деди Саодат, унга иссиқ боқиб. Саодатнинг оппоқ юзи қизариб кетди.

— Салом, қизим!— деди Сергей Лаврентьевич ўйчан тикилиб.

— Омонмисиз, Сергей Лаврентьевич? Соғлигингиз яхшими?— деди Саодат устма-уст.

— Ҳа, раҳмат қизим, саломатман!— деди Сергей Лаврентьевич. У нима учундир ўнғайсизланар ва Саодатга нима дейишини билмай, дудуғланар эди.— Қизим, кечирасиз, сизнинг исмингиз нима эди?

* * *

... Бундан ўн икки йил муқаддам Саодат еттинчи синфни битириш олдида касалга чалиниб қолди. Иситмаси кўтарилди. Иштаҳаси йўқолди. Тез-тез йўталабошлади. Саодат ўз-ўзига: «Кеча мевани кўпроқ еб қўйган эдим, ўша иситма чиқараётган бўлса керак» деб бепарволик қилиб, врачга мурожаат этмади. Унинг ота-онаси ҳам: «Эрта-индин тузалиб кетар» деб юраверишди.

Орадан бирнеча кун ўтди. Саодатнинг аҳволи оғирлашаборди. Йўтали яна кучайди. Узоқ бетоб ётган кишидек кундан-кун озиб, рангсизланди. Бу ҳолдан қўрқиб кетган Саодатнинг отаси Носир ака уйга врач чақирди. Врач

касални диққат блан текширгач, Носир акани четга имлаб: «Қизчани кечиктирмай касалхонага элтиш зарур» деди.

Носир ака халлослаганича бориб колхознинг енгил машинасини олиб келди. У, врачнинг четга имлаб айтган «кечиктирмай» деган сўздан ваҳмага тушган эди.

Саодат йўлда кетаётиб қаттиқ бир йўталди-да, қон туфлади. Қўрқиб кетган Носир ака машинани тўхтаттириб, дўпписи блан қизини шошилиб елпийбошлади. Саодат тобора ҳолсизланар, унинг ҳаммаёғидан тер қуюлар эди.

— Тезроқ ҳайдасин!— деди Саодат кўкрагини босган ҳолда инқиллаб.

— Ҳайда!— деди Носир ака, қизидан кўзини узмай, қалин қошларини йиғиб.

Машина олдинга интилди. Саодатнинг оғирлашаётганидан безовта бўлган шофер машинани жуда усталик блан, борган сайин илдам ҳайдашга ҳаракат қилди.

Машина касалхонага етиб келиши блан, Саодатни қабулхонага олиб кетишди. Орадан кўп ўтмай, ҳамширалар уни тўғри рентген кабинетига олиб боришди.

— Қизингизнинг ўпкасига эхинакокк тушган, аҳволи анча оғир,— деди Носир ака ёнига чиқиб келган врач.

— Қаердан тушади, бу ўзи қанақа нарса?— шошилиб сўради Носир ака.

— Эхинакокк дегани микробга ўхшаган бирхил текинхўр нарса бўлади. У кўпроқ ҳайвонларда бўлади,— деб тушунтирабошлади врач.— Киши ҳайвонларни, айниқса итларни ушлаб, бепарволик блан қўлини ювмай овқат еб қўйиши мумкин. Ана шундай пайтларда бу текинхўр одамга ўтади-да, кишининг ўпка, жигар ва бошқа жойларига ўрнашиб қолади. Ўша жойда болалаб, баданни чиритади. Қизингизнинг ўпкасига тушган эхинакокк ҳам ўпканинг талай қисмини ишдан чиқариб қўйган. Ҳозир ўша жой ёрилган. Касалнинг қон туфлаши ҳам шундан.

— Энди нима қилиш керак?— ваҳима блан сўради Носир ака кўзларини катта очиб.

— Операция қилиш керак.

— Бошқа иложи йўқми-а?— сўради Носир ака қўрқиб.

— Упканинг эхинакокк ўрпашига қисмини бутунлай кесиб ташлашдан бошқа илож йўқ. Энг зарур чора шу. Сиз қўрқманг,— деди врач Носир акага далда бериб.— Қизингизни профессор Славян кўрсин, операцияни ўзи қилса яхши бўлади!

— Бўлмаса ўзим илтимос қиламан!— деди Носир ака ялингандек.

— Тўғри айтдингиз, майли — бирга кирамиз,— деди врач Носир акани тинчйтишга ҳаракат қилиб.

Врач, халатини тузатиб, оқ дўпписини бошқатдан кийди. Буни кўрган Носир ака ҳам оқ яхтаги этагини тортиб, сариғ шоҳи белбоғини тузатди. Врач Носир акани бошлаб профессор кабинетига кириб борди.

— Бу киши бугун келтирилган касал қизнинг отаси бўлади,— деди врач,— сиз блан танишмоқчи.

— Жуда яхши, жуда яхши, ўтиринг!— профессор Носир акага стул таклиф қилди,— қизча оғир касалга учраб қолипти-да.

Профессорнинг «оғир касалга учраб қолипти» деган сўзлари Носир акага миясидан мих қоққандай туйилди. У: «Қизимдан ажрабман-да» деган фикрда, додлаб юборишга сал қолди.

— Тезда операция қилиш керак!— деди профессор лўндагина.

Носир ака: «Операцияни ўзингиз қилишингизни сўрайман» дейишга энди оғиз жўплаган эди, профессорнинг ўзи гап бошлади:

— Қизни сақлаб қоламиз, ташвишланманг!— деди у, Носир акага яқин келиб. Кейин врачга мурожаат этди: Операцияни ўзим қилсам деган ниятим бор, Асқаржон.

— Жуда соз!— деди врач хурсанд бўлиб.

Носир ака ҳам, профессорнинг гапини эшитгани ҳамона, унга таъзим қилиб, хурсандлик билдирди:

— Раҳмат, домла, раҳмат, барака топинг!

Профессор ўзининг ёрдамчилари блан операция хонасига жўнади. Лекин Носир ака тинчланиш ўрнига баттар ҳаяжонланди. У эрталабдан буён туз тотимай юрганини ҳам унутиб, операция натижасини эшитиш учун профессор кабинетидан жилмади. Коридорда оёқ товуши эшитилса, «профессор операциядан чиққан бўлса керак» деган хаёлда шошилиб эшикка тикиларди. Орадан ўтаётган ҳарбир минут Носир ака назарида бамисоли бир ойдек узоқ тўйилар, чиқиллаб юриб турган девор соатининг стрелкаси жойидан силжимаётганга ўхшар эди.

— Ўн беш минут!— деди Носир ака чўнтак соатининг қўлига олиб.

Шу чоғ коридордан шошилиб келаётган кимнингдир оёқ товуши эшитилди. Носир ака ўридан сакраб туриши блан эшикдан кириб келган профессор Славинни кўрди.

— Қизни қутқоздик, операция муваффақиятли бўлди!— деди, қўлини сочиққа артиб келаётган профессор.

— Яшанг, домла!— Носир ака отасини узоқ вақт кўрмаган боладек профессорни қучоқлаб олгиси келди. Унинг кўзидан кетма-кет бирнеча томчи ёш юмалаб тушди...

Орадан кўп ўтмай Саодат тузалди. У касалхонадан кетар экан, кадрдон профессорга қандай миннатдорлик изҳор қилишини билмас эди.

— Саодатхон,— деди у блан хайрлашаётган профессор жилмайиб,— энди сра касал бўлмай, доим озода, покиза юринг! Тозалик — соғликнинг гарави. Соғ танда, соғ ақл бўлади, қизим! Хайр сизга!

— Раҳмат, Сергей Лаврентьевич, минг раҳмат!— деди Саодат профессордан меҳрли кўзини узаолмай. У, ота-онасига қўшилиб профессорни қайта-қайта меҳмонга таклиф этди.

— Хўп, Саодатхон, хўп! Агар вақтим бўлса, албатта бориб, қишлоғингизни тамоша қилиб келаман,— деб розилик билдирди профессор.

Бирнеча кундан кейин Саодат профессорни олиб кетиш учун касалхонага келди. Лекин профессор зарур иш блан узоқ вақтга Москвага командировкага кетиб қолган эди. Ана шундан кейин Саодат профессорни учратаолмади.

Олижаноб профессорнинг образи Саодатнинг хотира-сидан ўчмас жой олди. Орадан бир-бирини қувлаб анча-тина йиллар ўтиб кетди.

Саодат касалхонада профессор қўлида даволанаётган кезларда келажак орзу умидлар ҳақида ўйлар, уйқуда ширин тушлар кўрар эди. Унинг бирдан-бир тилаги кел-тусида хирург бўлиб, кишиларнинг саломатлиги йўлида профессор Славиндек хизмат кўрсатиш эди. У хирург бўлиш учун ўз-ўзига қат'ий сўз берди.

«Тиришган тоғдан ошар, ўз бахтига йўл очар» деган-дек, Саодатнинг зўр орзу ва иродаси унга порлоқ йўл очди. Илмга ташна бўлган бу қиз ўнинчи синфни тугатиш блан медицина институти қучоғига отилди. Чунки бу ер унинг ягона тилагини рўёбга чиқарадиган улуг билим ўчоғи эди. Саодат шу ерда илм булоғидан ҳаёт суви ичди, зеҳнини тоблади, ўз йўлини фан нури блан ёритди.

У, медицина институтини а'ло баҳо блан тугатиб, врач дипломи олганидан кейин аспирантурага кириб ўқишни давом этдирди...

* * *

— Мен Саодатман, Сергей Лаврентьевич... бундан ўнйкки йил аввал ўпкамга эхинакокк тушиб, оғир касал-та дучор бўлган эдим. Ўшанда операция қилиб, мени ўлим-дан қутқазиб қолгансиз!— деди Саодат.

— Э, ўша Саодат-а! Келинг, келинг бошқатдан кўри-шайлик!— деди хурсанд бўлган Сергей Лаврентьевич, Саодатга яна қўл чўзиб.— Оббо, қизгинам-ей, оббо Сао-дат-ей! Баракалла, баракалла! Қаранг, қандай катта қиз бўлиб қолибсиз-а!

Профессор, ўз фарзандини узоқ йиллар кўрмай жуда

ингизор бўлган кишидек, Саодатга бошдан-оёқ, қайта-қайта тикилиб, чексиз қувонар, зўр ҳаяжон билан сўзлар эди:

— Кечирасиз, қизим! Сизни унутганим йўқ. Қасалхонадан кетгани олдида менга чин юракдан «минг раҳмат!» деган сўзингиз ҳанузгача хотирамда турипти!— деди профессор.

У, операция вақтида Саодатнинг чурқ этмай, чидам билан турганини эслаб жилмайди ва сўзини улаб.

— Ота-онангиз қандай, соғ-саломат юриштиптиларми?— деб сўради.

— Раҳмат, Сергей Лаврентьевич, ҳаммамиз тинчмиз.

— Отангиз ҳам куни кечагидек хотирамда турипти. Ҳа, заи, бегубор отангиз бор-да, яхши одам!

Отам ҳам сизни оғзидан қўймайди, Сергей Лаврентьевич.

Саломат бўлсин! Хўш, ўз ишларингиз қандай? Ўқимисизми, ишлайсизми?

— Ўқияпман, Сергей Лаврентьевич!

Саодат медицина институтини тугатиб, хирург-врач бўлиб чиқганини, ҳозирги вақтда аспирантурада ўқитганини гапириб берди. Профессор хурсанд бўлиб, қордек ошқоқ соқолини силади.

— Ухў, ҳали хирургман денг? Жуда соз, жуда соз! Гайратингизга балли!— деди Сергей Лаврентьевич Саодатни табриклаб. Демак, энди ҳамкасабам бўлиб қолибсиз-да! Хизматим бекорга кетмапти, хурсандман, кўп хурсандман!

Сергей Лаврентьевич, бир бориб қишлоғимизни кўрсангиз жуда соз бўларди-да. Ҳозир қишлоғимиз бутунлай ўзгариб кетган,— деди Саодат завқ билан.— у вақтда кўрганингизда, ҳозир танимас эдингиз. Ҳозир истироҳат боғимиз, ГЭС, катта клуб ва киномиз бор. Шаҳардан то қишлоғимизга қадар асфальт ётқизилган.


Жуда соз! Ундай бўлса, қишлоқ эмас, шаҳарчага айланипти-ку.

— Эртага эрталаб уйингизга машина олиб борсам...

— Майли, келинг, лекин машинанинг кераги йўқ. Мен
нинг машинамда кетаверамиз. Ҳозирча хайр!

— Хайр, Сергей Лаврентьевич!

Икки қадрдон самимий қўл қисишиб, хайрлашди.





ИЛҲОМНИНГ ОРЗУСИ.

Эҳел Муборак бўлсин, қизим!— деди қувониб Азиза хола, алоҳом муродингга етибсан-да, галстугинг бир ам ярашиптики. . .

Лола шонерга қабул қилинган эди. Унинг бўйнидаги тикилган шак галстугига тикилганича ҳайрон бўлиб турган Илҳом:

Онажон, буни сизга ким берди? — деди яқин халиб.

— Мактаб вожатийси тақиб қўйди.

Ушш вожатий деган киши, борсам, менга ҳам тақиб қўядими-а?— Илҳом, галстукдан сра кўзини узолмай, ҳавас блан тикилганича турар эди.

— Қатта бўлиб, мактабда ўқийдиган бўлганингда сенга ҳам тақиб қўяди,— деди Лола.

Илҳом порози бўлгансимон онасига қаради. У онасининг «сен ҳали ёшсан, мактабга келаси йилда борасан» деган гапини эслади.

— Бўлмаса, сиз ўзингиз тақиб қўйинг!— деди Илҳом онасига.

— Галстукни сенга даданг олиб беради,— деди Азиза хола, Илҳомнинг пешонасини силаб.

биринчилар қаторида ўша ишга қўшиларди. Дарахт уруги йиғиш ҳафтаси э'лон қилинганда, Илҳомнинг синфдошлари бир-икки килодан уруг тўплаган бўлсалар, Илҳом бир ўзи уч кило уруг йиғиб келди. Баҳорги дарахт ўтқазиш ҳафтасида ҳам Илҳом ҳаммадан кўп кўчат келтириб ўтқазди.

Китоб ўқишда-чи? Китоб ўқишда ҳам унга тенг келадиган камдан-кам. У кичкина қора кўзларини хатга тикиб, ўқитучи тақдим этган китобларни ўқиб чиқади-да: «Опа, энди қанақа китоб ўқий?» деб сўрайди.

Илҳом иккинчи синфга ҳам, учинчи синфга ҳам фақат «5» баҳолар блан кўчди.

Бир куни Илҳом синфга хурсанд кириб келди-да, ҳаммага деди:

— Болалар, байрамга атаб ўтказиладиган сборда бизларни пионерлар сафига қабул қилар эмиш.

— А! Ростданми?— деди бирдан бирнеча бола.

— Ҳа, Аҳмад акамнинг ўзлари айтдилар.

— Яшасин!— деди қувониб бир бола,— пионер бўламиз, пионер!

— Болалар, менда бир маслаҳат бор,— деди Илҳом.

— Хўш, қани айт-чи?

— Бугундан бошлаб ўн кишидан уч звенога бўлиниб, чорак охиригача коллектив дарс тайёрлаймиз-да, Турғун, Собир ва Акбарларнинг «3» баҳоларини ҳам йўқотиб, ҳаммамиз яхши баҳолар блан барабар пионерга ўтамыз! Шу блан байрамни ҳам совға блан кутиб олган бўламиз. Нима дейсизлар?

— Бўпти!— деди ҳамма бола севиниб.

Ўша кундан бошлаб умар коллектив бўлиб дарс тайёрлашга киришдилар. Ўзаро қайта-қайта диктантлар ўтказишиб, она тили ва рус тилининг ёзмасидаги хатоларини тузатдилар, ҳисоб масалалари ечиб, ўзларини синаб кўрдилар. Дарсда орқада қолаётган болаларни доскага чиқариб, сра эринмай, ўргатдилар. Хуллас, ҳамма бола-

лар ўтилган мавзуларни беш бармоқдек пухта ўрганиб олдилар.

Чорак синовининг биринчиси рус тилидан контроль диктант эди. Болалар мактабга ҳар кунгидан анча эрта келишди. Лекин Илҳомдан ҳали дарак йўқ эди.

— Нега шу чоққача у келмайди-а? — деди Акбар ташвишланиб.

— Мен ҳам ҳайронман, унинг кеч қоладиган одати йўқ эдику!

Дарсга званок чалинди. Синфда ўтирган болалар эшикка тикилганларича сабрсизлик блан Илҳомни кутишмоқда.

— Илҳом касал бўлиб қолмадимикан? — ташвишланиб сўради Эркин.

* * *

Илҳом синовлар тугаган куни касалхонадан тузалиб чиқди. Болалар уни ўраб олишди.

— Ишимизнинг натижаси тузук бўлдимиди? — деб сўради Илҳом.

— Жуда яхши, ўртоқжон! — деди Эркин қувонаб, — пукул тўрт-беш, тўрт-беш! Уч деган баҳони орамиздан бутунлай қувиб чиқардик!

— Турғун блан Собир қандай тамомлади?

— Турғуннинг ҳаммаси тўрт, Собирнинг иккита беши ҳам бор.

— Акбар-чи?

— Э, Акбар улардан ҳам яхши! Уники иккита тўрту, қолганлари буткул беш! Ҳа, айтмоқчи, бугун дружина собори бўлади. Ёппасига пионерга ўтғамиз.

— Жуда яхши! — Илҳом хурсандлик билдирди. Лекин нима учундир унинг юзи бир қизариб бир оқарди, чақнаб турган кўзларида ғам ва ташвиш белгилари пайдо бўлди.

Шу чоғ мактаб вожатийси синфга кириб келди.

— Ўхў, жамоат жам-ку. Эҳе. Илҳом, сен ҳам шу ерда экансан, жуда яхши! Қалай, дармонга кириб қолдингми?

— Раҳмат, Аҳмад ака, тузукман.

— Қани, тезроқ чиқинглар, бошлаймиз!— вожатий чиқиб кетди. Унинг орқасидан болалар қўзғалишди.

Мактабнинг гулдек безатилган катта зали ўқучилар блан лиқ тўла. Юзларда ҳам, кўзларда ҳам шодлик белгиси барқ уради.

Илҳом ҳаммадан кейин синфдан чиқди. У касалга ча-линиб имтиҳонларга қатнашаолмаганига қаттиқ ачинар, худди йиғлагундек афсуслана-р эди. Илҳом хаёлида «синфда битта мен пионерга ўтаолмай қоламан» деб сборда энг орқадаги сафда турди. . .


— Биринчи масала Ленин-Сталин пионерлар сафига қабул қилиш,— деб сўз бошлади вожатий.— Мен энг олдин, ўқишда илғор, оммавий ишларда актив, ҳаммага намуна бўлган Илҳом Муҳамедовни ўртага чақираман!

Бирдан кўтарилган қарсак овози зални жаранглатиб юборди.

Севинчини юрагига сигдираолмаган Илҳом гўё узоқдан чопиб келган кишидек ҳаяжонли нафас олиб ўртага чиқди-да, қарсаклар тўхташи блан тантанали ва'да бера бошлади:

— Мен,— деди у, чўғдек ёниб турган кўзларини ўртоқларига тикиб,— Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг ёш пионери ўртоқларим олдида ва'да бериб айтаманки, Ленин—Сталин иши учун, коммунизм ға-лабаси учун астойдил курашаман!..

Зални яна жаранглаган қарсак овози қоплаб олди. . .





ҚУЕШ БОЛАЛАРИ

Ба'зи кишилар осмонда учишни, ба'зилар пароходга тушиб денгизда сузишни яхши кўради. Бировлар отга ишқивоз бўлади. Тоғ ва дар'ёлар бўйлаб саёҳат қилишни жуда яхши кўрадиган кишилар ҳам кўп.

Бизнинг қишлоғимизда Йўлдош ота деган одам бор. У кишининг осмонда учишдан ҳам, денгизда сузишдан ҳам ва дар'ёлар бўйлаб саёҳат қилишдан ҳам а'ло кўрадиган нарсаси бор. Йўлдош отанинг яхши кўргани — гул ва дарахтлардир.

Йўлдош ота дилкаш, меҳрибон чол. Уни қишлоқдаги катта-кичик ҳамма севади, ҳурмат қилади. Қишлоқда Йўлдош отанинг меҳмон бўлмаган уйи йўқ. У кишиларнинг ютуқларидан қувонади. Агар болаларни учратиб қолса, оппоқ, узун соқолини силаб, ўсиқ қошларини чимириб: «Ўғлим ишинг саракми, пучак?» деб сўрайди. Агар улар ўқишда яхши баҳо олишганини айтишса, Йўлдош ота жуда хурсанд бўлади, «ғайратингга балли, шервачча» деб уйига бошлаб киради-да, ўрик ёки ёнғоқ, ё бўлмаса нок ва олмадан беради. Бу мевалар — Йўлдош отанинг кўп-кўп йиллар меҳнат қилиб қўлга киритган самарасидир.

Йўлдош ота — салкам юз
ли мўйсафид. У, гул ва дара
дасигача жуда яхши билади:
бас. Унинг ёши ва қандай ўса
ради. Йўлдош ота дарахтнинг
ради ва сугоради.

— Дарахтнинг қандай на
баргидан биламан,— дейди у.

Баҳор ва ёз пайтлари уни
часи хушманзара жойга айла
чамандек очилиб турган қатс
атиргуллар ва турли-туман д
сра чиққуси келмайди.

Йўлдош отанинг кўпийлли
назарга олиб, колхоз раҳбар
озод этиб, янги уй-жой қуриб
қарамай, Йўлдош ота сра бе
ти ёш боғбонларнинг ишлари
беради. Колхозчиларнинг уйл
га кўчатлар ўтқазиб юради.

Йўлдош отани ба'зи киш
ба'зилар «Гул ота» деб атай
тўғри. Унинг ойнаванд гулхона
яшнаган. У боғчадаги ишл
кичкина саватчасини турли-тум
ларининг новдачалари бла
қилгани жўнайди. Қишлоқдаги
ларга кириб кўчат ўтқазади,
ёши нав' мевалардан пайванд
ҳархил атиргул ниҳолчаларин

Ба'зи кишилар Йўлдош ота
ниб, пайванд қилиб, гул экиб
ота, қариган чоғингизда нега
сўрайди. Йўлдош ота оппоқ, у
ғида кулади. «Бу оворагарчил
у,— эккан гулларим, улаган п

зандларимдек гап. Ҳаётда фойдали иш қилмай яшагандан — яшамаган яхши. Гул кўчатларим кексалик чоғимда халқимга мендан кичик ҳад'я! Қўлимдан келгани шу, 'чироғим!»

— Бугун мазам йўқ! — деди тонг чоғида нохуш уйғонган Йўлдош ота ўз-ўзига.

Баҳор ҳавоси унча совуқ бўлмаса ҳам, Йўлдош отанинг эти жунжикар, а'зойи-бадани увишар, лоҳос бўлар эди. У, «ёмонроқ ётиб қолган бўлсам керак», деб ўйлади. Ўрнидан туриб, ҳалигача тутмай жовонда сақлаб қўйган шер бошли ҳассасини олиб, аста-аста боғчасига чиқди. Бу ерда Йўлдош ота катта чилонжийда дарахти ёнидан шилдираб оқадиган ариқча лабига келиб ювинди, сўнгра кўмкўк бўлиб турган редиска, пиёзлар марзаси ёнидан ўтгач, шийпон рўпарасидаги атиргуллар ораликларига экилган гунафшалар ёнига келиб, икки-уч дона гунафшадан узди-да, кўчага чиқиб, эшик олдидаги ўзи ясаган скамейкага ўтирди.

Шу чоғ узоқдан бир тўда болаларнинг саф тортиб келинаётгани кўринди. Йўлдош ота уларни таниб олиш учун қўлини ўсиқ қошлари тепасига соябон қилиб тикилди. Кўзи илғамди. Болалар «Жонажон Ватан» деган ашулани баралла айтиб келишар эди.

Йўлдош отани кўрган болалар ашулани тўхтатиб, қадамларини секинлатишди. Команда бериб келаётган қорақош, юмалоқ юзли, кўк бахмалдан китель, шим ва чуст нусха дўппи кийган бола қўлини кўтариб, сафдагиларни жим ва осойишта юришга ишора қилди. Болалар Йўлдош отага яқин келган сайин оҳиста қадам босишар эди. Улар отанинг рўпарасига келиб, юзларини унга ўгиришди. Команда бериб келган Ҳамза, бир дам ўйла-ниб тургач, бўйнидаги пионер галстугини тузатди.

— Салом, Йўлдош ота! — деди ҳамма бола баравар.

— Ваалайкум ассалом, чироғларим! Келинглари! — деди Йўлдош ота пионерларга мулойимгина боқиб. У, болаларнинг нима учун келишганини билолмади. У ўзи-

ча: «Бугун дам олиш куни, ни келишган бўлсалар керак» болалари тез-тез экскурсияга лаҳатлар олиб кетишар эди.

Лекин бу пионерлар бутулишган. Улар звено бошлиғи ноан йиғилишиб, бундан кейин дам бериб туриш, ҳечнарсасиз барча дастёрлик ишларига қатнашган эдилар.

— Ҳурматли ота!— деди рини чимириб.— Бугундан босизнинг ишларингизга доим катнаш қиз пионерни ўз фарзандининг илтимос қиламиз!

— А, болаларим, ростдирим?

Иўлдош ота ҳаяжон билан Ҳамза блан Норқўзи югуриб катнаш қўлтиғидан ушлаб туриш.

— Хизматингизга доим катнаш ота!— дейишди пионерлар.

Иўлдош ота болаларни билди.

— Пайванднинг фойдаси деди Иўлдош ота боғчадаги тўхтаб.— Пайванд қилинган дегани. Агар кўчат ўтқазамадан десангиз, ўстирмоқчи бўлсангиз, жуда узоқ вақт кутасиз. Яна шу ҳақиқат кўчатлар илгариги сизиди. Ҳажми ҳам, мазаси, ҳам, таъми фарқ қилади.

— Пайвандлар бирхил бўлиши.

либ.— Искана, найча, ёрма дейиладиган пайвандлар бўлади. Аста-секин буларнинг ҳаммасини ўрганиб оласизлар. Қани, буёққа юринглар-чи!

Йўлдош ота, бир метр ва ундан ҳам ортиқ қолдириб арралагандан кейин лой чаплаб қўйилган дарахтларнинг ёнига келди. Дарахтнинг кесилган жойидаги қера лой орасидан қаламдек ва ундан ҳам ингичкароқ икки-уч новдача худди санчиб қўйилгандек, ёш барг чиқариб, ўсиб турипти. Новдачаларнинг барглари ҳархил.

— Бу ёмон нав' олма дарахти эди,— деди Йўлдош ота, кесилган дарахтни кўрсатиб.— Мен уни арралаб ташладим-да, қирмизак, қандил новдаларидан искана усулида пайванд қилдим. Келар йил мевасини ейишларингиз мумкин. Арраланган дарахт искана блан ёрилади. Кейин яхши нав' дарахтнинг пишган новдаси учидан бир қарич кесиб олинади. Кесилган томонини пичоқ дамидек йўниб, исканада ёрилган жойга санчилади-да, лой чаплаб қўйилади. Лой қуриб қолмаслиги учун ҳўл латта блан ўраб қўйилса яна яхши бўлади. Шамол кирмайди. Пайванднинг найча усули эса бошқачароқ бўлади.

Йўлдош ота ёнидаги олма дарахти новдасидан кесди.

— Мана, қаранглар-чи!

Болалар Йўлдош отанинг қўлидан кўзларини узмай тикилиб туришди. Чол новданинг кесилган томонидан беш сантиметрча пўстлогини найча шаклида, айлана қирқиб, ўзакдан суғуриб олди. Кейин иккинчи олма дарахтининг битта новдаси учини қирқиб, пўстлоқдан беш сантиметрча найчани суғуриб ташлади. Сўнгра унинг ўрнига аввалги найчани беззоргина суқиб қўйди. Найчадаги ёлғиз баргни қайчи блан қирқиб ташлади.

— Мана шу барг остидан куртак чиқади,— деди Йўлдош ота кулиб.— Пайванднинг тез амал олиши учун кўпроқ овқат керак. Шунинг учун, қўшни новдаларни бутаб ташлаш зарур.

Йўлдош отанинг барча сўзларини завқ блан тингла-

ётган болалар ўрганган нарсаларини тажрибада синаб кўрадиган бўлишди.

* * *

— Сенинг пайвандинг куртак чиқарабошлапти-ку, нега меники ҳалигача куртак чиқармаяпти?—деди Норқўзи Ҳамза улаган олма шохига тикилиб.— Мен сендан ҳам илгари уловдим-а!

— Қани, юр-чи бўлмаса!

Норқўзи пайвандларнинг бирнечтасини Ҳамзага кўрсатди. Ҳамза пайвандларни синчиклаб текширгандан кейин, шундай хулоса чиқарди:

— Энди тутмайди, қуриб қопти. Ишонмасанг очиб кўрамыз.

Норқўзи ноилож рози бўлди. Ҳамза пайвандни аста очди.

— Топдим, биласанми, камчилиги нимада экан?— деди Ҳамза хурсанд бўлиб.— Пайванд қилинган найча сал каттароқ экан, шамол кириб қолган.

— Шундай эканми-а? Бошқаларини ҳам кўр-чи,— деди, Норқўзи, меҳнатига ачиниб.

— Бунинг анча дуруст,— деди Ҳамза, иккинчи пайвандни кўриб.

Оз вақт ичида пионерлар Йўлдош отадан анча нарса ўрганиб олишди. Айниқса Ҳамзанинг пайвандларидан кўпчилиги кўкариб кетди.

Пионерлар олчага тилос, олхўри, тоғолчаларни уладилар. Битта гулга бирнеча хил атиргулларни улашни ҳам тажрибада синаб кўрдилар.

Йўлдош ота эса болаларнинг пайвандларини ах'ён-ах'ёнда текшириб кўрар, камчиликларини сра эринмай тузатар эди.

Қушлар ўтаверди. Пионерлар Йўлдош отадан янги-янги нарсалар ўрганишар, уни чин кўнгилдан иззат-хурмат қилиб, жуда яхши ғамхўрлик кўрсатишар, Йўлдош отани ҳеч нарсага зориқтирмасликка ҳаракат қилишар, унинг ҳамма ишини ўзи айтгандан зиёда бажаришар



эди. Айниқса, Ҳамза блан Норқўзининг уйи яқин бўлгани учун улар анча вақтларини Йўлдош отаникида ўтказиб, зарур маҳалларда ўтин ёриб беришар, самовар қайнатишар, ҳовлига сув сепишар, боғчага қарашар эдилар.

Болалар ғамхўрлигидан чексиз мамнун бўлган Йўлдош ота эса ич-ичидан севиниб, уларни ҳам хурсанд қилишни ўйлар, боғбонлик қилиш усуллариини ўргатар, баъзан эса, эски замонларда меҳнаткашларнинг қашшоқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб берар эди.

— Йўлдош ота, ўз ҳаётингиздан ҳам ҳикоя айтиб беринг,— деб илтимос қилишди пионерлар бир куни боғчада ўтиришганда.

— Хўп, қуёшчаларим,— деди Йўлдош ота. У вақти чоғ пайтларида болаларни «қуёшчаларим» деб атар эди.

— Эссиз ёшлигим, чироқларим!— деб сўз бошлади Йўлдош ота,— минг афсуски, отамнинг бутун умри ҳам, менинг ёшлик чоғларим ҳам фақат ғам-алам, оҳ-воҳлар блан ўтиб кетган. Мен сизларга айтсам, отамнинг бутун умри бир эшоннинг катта боғида боғбонлик, қоровулик қилиш блан ўтди. Мен ёш бола эдим. Қўш-қумурсқалар тинарди, отам бечора тинмас эди. У ёлғиз ўзи катта боғдаги меваларнинг тагини чопар, суғорар, қўриқлар, пишган меваларни терар, хуллас, тонгдан то кечгача дам олмай ишлар эди. Шунда ҳам хўжайинимиз раҳмат ўрнига «уни қилмабсан, буни қилмабсан!» деб жеркигани — жеркиган эди. Отам оғир меҳнат орқасида тез кексайиб, касалванд бўлиб қолди. У вақтларда касални пулсиз даволаш қаёқда дейсизлар! Бечора отам узоқ ётиб, азоб-уқубатлар остида абадий кўз юмди. Боғнинг бутун иши менга қолди. Мен шу ишлаганимча қирқ беш йилга қадар бир кун роҳат кўрмай, бир марта янги кийим киймай, хўжайинимнинг эски-тускиларига ўралиб, боққа қарадим. Мактаб юзини кўрмадим. фақат Улуғ Октябрь Революциясидан кейингина қоронғи куним ёриди; Ўз меҳнатимга, ўз бахтимга эга бўлдим. Колхозимизнинг ҳозирги боғининг нариги чети ўша мен иш-

лалини эшонга қарашли эди. Мана, шунақа бўлган, меннинг ўтмишим, чироғларим!

Ўўлдош ота сўздан тўхтаб, ўйчан, ерга қаради. Болалар Ўўлдош отанинг ғам-ғуссали ўтмишини ёдига солиб, уни ранжитиб қўйганлари учун бир-бирларига қарашиб, афсусланар-эдилар.

— Отажон, бизларни кечиринг! Билмасдан сизни хафа қилиб қўйдик шекилли! — деди Ҳамза Ўўлдош отага муҳаббат блан тикилиб.

— Паҳотки, сизлардан хафа бўлсам, чироғларим? — деди Ўўлдош ота, бироз очилиб. — Азоб-уқубатлар блан ўтган ёнлигимга ачиниб, сал ўксиндим-да, болаларим. Сизлар — совет болалари, улуғ бахт қуёши — Сталин болалари, қуёш болаларисиз.

— Отажон, бизларнинг бир мақсадимиз бор эди, шунга сиз маслаҳат берсангиз! — деди Ҳамза.

— Қани, ўғлим, бемалол айтавер, қани! — деди Ўўлдош ота меҳрибон кўзларини Ҳамзага тикиб. У, болаларнинг ҳарқандай илтимосини жон-дили блан бажаришга тайёр турганга ўхшар эди.

— Бизлар сиздан жуда кўп нарсалар ўрганиб олдик. Ҳозир пайванд қилишни ҳам, қайси дарахтни қандай парвариш қилишни ҳам яхши биламиз. Бизлар ўқиб сиздақа боғбон, Мичуриндек олим бўлишни орзу қиламиз! — деди Ҳамза жилмайиб.

— Баракалла! Менинг умидим ҳам худди шу эди! — деди Ўўлдош ота суюниб. — Сизларнинг даврингиз олтин давр, эрк ва бахт даври ҳисобланади. Бу даврда ким нимани орзу қилса, албатта, муродига етади. Мичуриндек олим бўлиб, келажакда халқимизга а'ло нав'ли янги хил, ширин-шарбатли мевалар яратиб берсаларингиз қандай яхши бўлар эди! Мен нима билсам ҳаммасини сизларга ўргатишга ҳозирман!

Болалар бараварига ўринларидан туриб:

— Раҳмат, Ўўлдош ота! Минг раҳмат сизга, отажон! — дейишди.



ОРДЕНЛИ ПИОНЕР

Анҳор лабидаги катта мажнунтол соясида ёлғиз ўтириб китоб ўқиётган Микола Умарнинг келганини сезмай қолди. Умар дўстига халақит беришни истамай, унинг елкасидан чўзилиб китобга тикилди-да «Ҳақиқий дўст энг қийин пайтларда ўзини кўрсатади» деган жумлани ўқиди.

— Тўғри!— деди Умар овозини сал кўтариб.

Микола чўчиб, орқасига қаради ва жилмайиб турган Умарни кўрди. Хурсанд бўлганидан, Миколанинг ўйноқи кўк кўзлари чақнаб кетди. У ўрнидан туриб қўл чўзди.

— Қандай шамол учирди?

— Сенинг шамолинг,— деди Умар пешонасига тушиб турган қопқора сочини силаб.— Сени тозаям қидирдим! Охири, хилват жойни излаб, китоб ўқийдиган одатинг ёдимга тушиб қолди-да, «эҳтимол боғ этагида бўлса» деган хаёл блан буёққа югурдим. Тахминим тўғри чиқди. Гап бундай: Ленин номли отряднинг собори эртага

«Комсомол» кўлида, у кун биз чўмилган жойда бўлади. Отряднинг плани ўзгармайди. Сбор «қаҳрамон пионерлар» деган темада ўтади. Солижон Саша Чекалин ҳақида, Собиржон Павлик Морозов ҳақида гапиради, сен бўлсанг Қизил Юлдуз орденини қандай олганингни ҳикоя қилиб берасан.

— Бундан кўра...— деди Микола тортиниб.— Бошқа бирор қаҳрамоннинг ҳаётини ўргансак дуруст эди.

— Камтарлик қилмай қўяқол! Ўз орамиздаги дов-юррак ўртоқларнинг ҳаётини ҳам яхши билиб олишимиз керак. Комсомолга ўтиб олиб, пионерлардан узоқлашманг-да, ўртоқ!— деди Умар қора кўзларини дўстига тикиб.— Кечирасан, мен бошқа отрядларнинг ҳам тайёрликларини кўриб чиқмоқчиман. Эртага расо соат ўнда мактабдан жўналади. Хайр, дўстим!

Умар кетди. Микола унинг орқасидан муҳаббат билан қараб тургач, ўйчан:

— Худди ўзи-я!— деб қўйди.

Микола — уруш йиллари Ўзбекистонга кўчириб келтирилган болалардан. У болалар уйига келгач Умар билан дўстланиб қолди. Умар ўз табиати, шўхлиги, ўртоқларига нисбатан меҳрибонлиги билан, Миколанинг немис-фашистлар чоғиб ташлаган Андрей исмли дўстига ўхшар эди.

Микола огир хўрсинди. Кўзлари бир нуқтага қадалди. Қоши чимирилди. Унинг хаёлини Андрей билан ўтказган кунлар эгаллаб олди...

* * *

Бир куни Микола мактабга кетаётиб биринчи сменада ўқийдиган ўртоғи Андрейни кўриб қолди. Андрей бир қўлида шапкаси ва иккинчи қўлида папкасини ушлаб, ерга тикилганича жуда хафа келар эди.

— Ҳа, ўртоқ?!— деб сўради Микола, саломлашишни ҳам унутиб.— Тобинг қочдимми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нега хафасан?

Андрей отрядидаги пионерлар «биринчи чоракни «3» баҳосиз тугатамиз» деб дружина соборида ва'да беришган эди. Андрей эса ва'дани бузиб қўйди, у чорак охирида арифметика блан рус тилининг ёзмасидан «3» баҳо олиб, шерикларини катта ташвишга туширди. Пионерлар соборда Андрейни ўртага олиб, ҳечкимдан ёрдам сўрамагани учун, уни каттиқ танқид қилишди.

— Отряд соборида...— деди-ю Андрей бошқа сўз гапиролмади.

— Бўлмаса қайтишимда уйингга кириб ўтаман, гап-лашамиз, — деди Микола унинг ташвишини англаб.

Микола дарслар тугаши блан тўппа-тўғри Андрейларникига борди ва бугун воқияни билиб олди.

— Хафа бўлма, яқинда ўртоқларингга етиб оласан. Иккинчи чорак охиригача сен блан бирга дарс тайёрлайман,— деди Микола.

— Раҳмат, ўртоқ!— деди Андрей суюниб,— сен блан жон деб бирга тайёрлар эдимку, лекин уйинг узоқ-да, кетишда қоронғига қоласан...

— Мени ҳали қўрқоқ деб ўйлаяпсанми?— деди Микола ҳазиллашиб.

— Йўғей, фақат овора бўлиб қоласан, деб ўйлайман. Ҳа, айтганча, синфдошим Юра ҳам мен блан бирга дарс тайёрлайдиган бўлди.

— Жуда соз! Уччаламиз бирга тайёрланаверамиз, қайтага қизиқ бўлади.

Микола оғир кунда дўстга ёрдам бериш шарафли иш эканини яхши билар ва меҳнатдан сра қочмас эди.

Миколанинг бу яхши хусусиятини тушунган Андрей ортиқча қаршилик қилмади.

Ана шундан буён Микола Андрей блан бирга дарс тайёрлай бошлади. Орадан ўнбеш кун ўтгандан кейин Андрей арифметиканинг контроль ишидан «4» баҳо олди.

Бир кунни Микола Андрейнинг масалани тўғри ечгёт-

ганига хурсанд бўлиб; уларникида анча узоқ ўтириб қолди. У, уйига кетаётганида қош қорайиб қолган эди. Микола сўқмоқ йўл блан шошилиб уйига кетар экан, ол-мазор томонда аллақандай бир кишининг қорасини кўриб қолди. Микола ўзини тол орасига олди-да, диққат блан кузатабошлади. Кўр ойдин бўлганидан, келаётган одамнинг ким эканини билиб олиш анча мушкул эди.

Миколанинг юраги тез-тез урабошлади. Унинг хаёлидан аллақандай ваҳимали воқиалар ўтиб кетди. Кўришган қора тўғри Микола томон келар эди. У бирдан тўхтаб, ўғрилардек ҳарёққа олазарак бўлгач, ўнг томонга бурилиб, йўл бўйига чиқди.

— Бу одамда бир сир бор!— деди Микола ундан кўзини узмай.

Микола у одамнинг, йўлни яхши билмай, туртғиниб-суртғиниб бораётганидан бегона киши эканига аниқ ишонди ва эҳтиётлик блан оёқ учида, унинг кетидан юрабошлади.

Бегона киши темир йўл устига чиқиб, бир зумгина чўнқайиб ўтирди-да, ўша жойда ивирсиб қолди. Микола унинг нима қилаётганини билиш учун икки-уч қадам олдинга эмаклады. Шу пайт ҳалиги бегона киши, йиртқиц ҳайвон ҳужумига чап бергандай, жон-жаҳди блан ўзини пастликка отди. Унинг бу ҳаракатидан ангу-манг бўлиб қолган Микола энди қочмоқчи бўлганида, темир-йўлнинг ўнг томонидаги бурилишда пишқириб келаётган паровоз кўринди. Поезд атрофни ёритиб ўтаётганида, бегона киши қуриган кўкатлар ичига бошини тикиб ётар эди. Сўнгги юк вагонлари ўтиши блан, у апил-тапил тўрт оёқлаб яна темирйўлга чиқиб кетди.

Микола, тош ва шағалларни икки қўллаб шақир-шуқир иргитиб, алланималар кавлаётган бегона кишига тикилганича хаёл суриб қолди. У колхозга бориб, бирортасини етаклаб келай деса, бегона кишининг ғойиб бўлиши мумкин. Пойлаб турай деса, ҳали замон поезд етиб келади-да, қанча одам ва вагонлар ҳалок бўлади.

Шу чоқ бегона киши кавлашни тўхтатди-да, ўрнидан қўзғалиб, ўнг томонга кетабошлади. Унинг қораси узоқлашиши блан, Микола югуриб келиб, темирйўл изига чиқди ва мўлжаллаб бегона киши кавлаган жойга келди. У кавлаган жойни пайпаслаб темирйўл изи остидаги шпал орасида осилиб турган юмалоқ гранатани топиб олди. Микола бундан аввал бир китобчани ўқиб, ўшанда гранатанинг турларини яхши ўрганиб олган эди. У, даставвал темирйўл изига тегиб турган капсулни суғуриб чиқарди. Кейин сим блан изга боғлаб қўйилган гранатани олдида, бегона киши орқасидан югурди. Микола оёқ учида шпалдан-шпалга илдам ирғиб, анча жойгача чопиб борганидан кейин, бегона кишини топаолмай тўхтади. У, ўтириб, ҳартарафга тикилиб, оёқ овозини тинглади. Ҳаммаёқ жимжит. Қишлоқ оғир уйқуда. Микола ташвишга тушди. Шу пайт Миколага ёрдам бермоқчи бўлгандек тўсатдан ой бир тўп қора булутларни ёриб чиқиб, ер юзини бир лаҳза ёритгандан кейин, бошқа булутлар ичига шўнғиди. Шу чоқ Микола катта йўлдан дала томонга ҳаллослаб кетаётган бегона кишини кўрди ва унинг кетидан ўқдек учди.

— Бу ла'нати далада нима қилар экан?— деди Микола таажжубланиб.

У, бирор ҳодиса бўлиб қолса бегона кишига ҳужум қилиш мақсадида, қўйнидаги гранатанинг капсулини жойлади.

Бегона киши, анҳор бўйидаги катта садага етганидан кейин, орқасига қайрилиб бир нафас тўхтаб тургач, ўнг томондаги ўрмон ичига кириб кетди. Дарахтлар соясида унинг қорасини пайқаб олиш анча қийин бўлганидан Микола қадаминин илдамроқ ташлади. Хайриятки, бегона киши ўрмон ичидаги тўғри йўл блан кетди, бўлмаса уни топиб олиш ўнғай эмас эди. Бегона киши ўрмондан чиқиб, кунгабоқар экилган пайкал четидаги сўқмоқ йўл блан гўристон томонга юрди. У гўристонга етиб боргач, яна орқасига қаради. Микола эса чап бериб ўзини ўсиқ

тумай орқасига олди. Бегона киши гўр устига ўтириб, қаргадек ҳар томонга аланглагач, ҳаво анча совуқ бўлишига қарамай, шапкасини олиб ўзини елпийбошлади. Шу чоқ узоқдан паровознинг чўзиқ гудоги эшитилди. Бегона киши ўрнидан сапчиб туриб гудок келган томонга тикилди. Поезд станция томон елдек учиб, ўтиб кетди. Бегона киши эса поездга узоқ тикилиб тургандан кейин, бирор нарсадан жуда хуноб бўлган одамдек, қўлини қаттиқ силтади. У станция томонга тикилганича анча, вақт ёғочдек қотиб турди-да, кейин ҳар томонга назар ташлаб, бир очиқ гўр ичидаги хашакларни четга олиб, ичига тушди. Сўнгра хашакларни ўз устига тортиб ёпди.

— Ҳа, аблаҳ!— деди Микола ғижиниб,— сен тулкининг бир адабингми бериб қўяйлик-ки...

У бирнеча минут гўрга тикилиб тургандан кейин, орқасига қайрилиб, оёқ учида қабристондан чиқди-да, жон-жаҳди блан югурди. Микола катта кўчага чиққанида ҳаво очилиб, тонг энди ёришиб келмоқда эди. У колхоз томон бурилганида, орқасидан Андрейнинг товуши эшитилди.

— Қасрда юрибсан?— деди, етиб келган Андрей, ўпкаснни босолмай,— даданг сендан кейин бизникига икки марта қидириб...

— Яхши... майли... Андрюша,— деди Микола гранатами кўрсатиб,— мапа бунн кўр! Ҳечкимга айтма! Ҳозир чопиб бориб, бизнинг қўшнимиз милиционер Матвей амакини бошлаб кел, тез бўл!

Кўзларини катта очганича гранатага қараб ҳайрон бўлган Андрей Миколанинг гапларини эшитгани ҳамона югуриб кетди.

— Андрюша, тўхта!— деди Микола муҳим бир нарсани ёдидан чиқаргандек.

— Ҳа, нима дейсан?

— Паншаха блан болта ҳам олиб кел! Тўхта, менчи сизларни ўрмоннинг нариги четида кутаман, битта арқон ҳам олакелинглр, хўпми?

— Хўп!

Андрей колхозга, Микола эса гўристон томон югурди. У гўристонга етиб колганида тонг анча ёришиб қолган эди. Микола бегона киши тушиб кетган гўрга яқинлашгач, бўйинини чўзиб қаради. Хашақлар аввалги ҳолида ётар эди. Демак, бегона киши чиқиб кетмапти.

Орадан кўп ўтмай, Матвей амаки блан Андрей етиб келишди. Микола Матвей амакига воқияни тушунтирди.

— Эй, чиқ буёққа!— деб қичқирди Матвей амаки гўр оғзига наганини тўғрилаб,— чиқ дейман!

Гўрдан чиқаётган бегона киши тумшугига тўғрилانган наган ва паншахани кўриб қотиб қолди. У чуқур ичида чўккалаганича шошилиб қўлини кўтарди. Матвей амаки унинг чўнтақларини тинтиб ҳечнарсга тошолмади. Микола блан Андрей унинг қўлини маҳкам боғлашди-да, кейин чуқурдан чақиришди.

Матвей амаки гўрга тушиб пичоқ, фото-аппарат ва аллақандай ҳужжатларни топиб чиқди.

— Бу аблаҳ гўр ичини кавлаб уй ясаб олипти,— деди ғазаб блан Матвей амаки. У яна гўрга тушиб радиоприёмникка ўхшаган бир аппарат ҳам олиб чиқди ва қўпоруцига қараб:

— Қани, марш!— деб буюрди.

* * *

— Айёр душман,— деди Микола сборда ўз ҳикоясини тамомлаб,— қўлга қандай тушиб қолганини билмай, ҳаммамизга бирма-бир кўз қирини ташлаб олайганича борар эди. Матвей амаки бўлса: «Ҳа, бандит! Нега олайиб қарайсан? Бизнинг мамлакат қаҳрамонлар мамлакати эканини тушунмасмидинг?» деди. Шунда душман ялт этиб менга тикилди-да, бошини ерга экканича кетаверди.

Довюрак Миколанинг ҳикоясидан хурсанд бўлган пионерлар қарсак чалиб юборишди.

— Раҳмат, ўртоқ!— деди Умар Миколанинг қўлини маҳкам қисиб. Унинг кетидан бошқа пионерлар ҳам бараварига «Қаҳрамон Микола Руденкога раҳмат» деб табриклашди.





У Ч РА Ш У В

(Очерк)

Лола сумкасини партага қўйди-да, ичидан битта газета олиб югурганича ҳовлига чиқди.

— Нея, Лида! Буни қаранглар, Валянинг дадасини газетада тозаям мақташпти!— деди Лола, газетадаги суратни ўртоқларига кўрсатиб.

— У-ҳў!..— деди Лида Алиева, сурат остидаги хатни ўқигач, кўзларини катта очиб,— уч йилда ўнйиллик планни бажариб қўйипти-я! Қайси заводда ишлар экан?

— Анови-чи, бизнинг ҳовлимиз ёнидаги «Тоштекстильмаш»да ишлайди-да,— жавоб берди Лола.

Шу чоқ қизлар ёнига мактаб илмий мудири ўртоқ Губанова келиб қолди.

— Клавдия Павловна, буни ўқиб кўринг, Валянинг дадаси жуда ҳам кўп ишлар экан. Қандай қилиб якка ўзи шунча иш қилолди экан-а?— сўради ҳайрон бўлиб Нея.

— Мен ўқидим,— деди Губанова,— киши ана шундай гайратли ва мард бўлиши керак... Ўртоқ Челябинский — ажойиб темирчи. Унинг иш жойига бориб тамоша қилган киши ҳайрон қолади. У чармга ўрнатилган катта кўк кўз-ойнагини тақиб, чўгдек қипқизариб турган темир ёўла-ларни олади-да, бир тоннали автомат болға блан гумбур-латиб эзабошлайди. Ловиллаб турган темир устига туша-ётган қудратли болға зарбидан теварак-атрофга учқунлар ёғилиб туради. Ўртоқ Челябинский бешйиллик планани аллақачон икки ҳисса ошириб бажарди. Ҳозир эса бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йил ҳисобидан маҳсу-лот ишлабчиқариб, кунлик нормасини уч юз эллик, тўрт юз процентдан бажараяпти.

— Нима ишлайди у амаким?— сўради Ҳабиба.

— Ип йигирадиган, чит тўқийдиган машина қисмлари ва қишлоқ хўжалиги учун трактор, плуг, сеялка каби ма-шиналарга зарур эҳтиёт қисмлари тайёрлайди. Яқинда биз Михаил Ивановични мактабимизга таклиф қиламиз. Ана шунда у қандай ишлаётганини сизларга гапириб бе-ради.

Ўртоқ Челябинский, пионерларнинг илтимосини қабул этиб, галдаги дам олиш кунда улар блан учрашишга сўз берди. Бунн эшитган болалар жуда хурсанд бўлишди. Улар дам олиш кунн тезроқ етиб келишини катта иштиёқ блан кутишар эди.

Кутилган кун ҳам етиб келди. Ўртоқ Челябинский ва'да қилган вақтдан анча илгариёқ мактаб боғи гулдек ясанган қизлар блан тўлди. Ҳаворанг кўйлак устидан оқ форма кийган бу қизларнинг қипқизил галстуклари худди очилган атир гулга ўхшаб кўринарди.

Қизлар кўкламзор боғчадаги фонтан айланасига қў-йилган скамейкаларга келиб қатор ўтиришди. Фонтандан отилиб чиқаётган сув заррачалари эсаётган майин шабада блан учиб қизларнинг юзларига сачрамоқда.

Ҳамманинг кўзи кўчада.

— Лола, сен ўртоқ Челябинскийни кўргансан-а?— сўради қизлардан бири.

— Ҳа, Михаил Ивановични кўрганман, синфдошим Ваянинг отаси бўлади-да, нима эди?

— Сўрадим-да, жуда катта одам бўлса керак, дейман?

Қизлар, Челябинскийни, жуда кўп ишлашидан, гавдали, қўллари йўғон одам деб ўйлар эдилар.

Шу пайт Лола кўча томон қараб, тўсатдан: «Михаил Иванович келдилар» деб юборди.

Богча йўлагиди оқ кўйлак, шим ва оқ шапка кийган ўрта бўйли, қотмагина бир киши мактаб вожатийси блан келар эди.

— Михаил Иванович ўша кишими?— сўради Лоланинг ёнида тик турган Гулнора.

— Ҳа, ўша киши,— деди Лола Челябинскийдан кўзини узмай.

Қизлар дарров ўринларидан қўзғалиб, Челябинскийга қараганларича, саф тортиб туришди. У яқин желиши блан, ҳамма қиз баравар: «Донгдор стахановчи Михаил Ивановичга пионерлик салони!» деб қичқиришди. Пионерлар қўлларидаги гулларини Челябинскийга тақдим қилганларидан кейин унинг атрофида давра олиб ўтиришди.

Челябинский ўз ишини ҳикоя қилабошлади:

—... Бу ютуқларни мен осонлик блан қўлга киритган эмасман,— деди у.— Киши бир нарсага астойдил киришса— мақсадига албатта эришар экан. Сталинча янги бешйиллик план белгиланган маҳалда мен уни уч йилдаёқ бажаришни орзу қилар эдим. Бу ҳақда жуда кўп ўйладим. Кунт блан ўқидим, ўргандим ва янги тажрибалар ортдирдим. Ишларимни режа блан олиб бордим. Негаки, пухта режа ҳар ишда ютуқнинг гаравидир. Саккиз соатлик иш вақтимнинг қайси қисмида нима қилишим ва ишдан кейин уйимда рўзғор ишларини қачон бажаришим, қачон газета ва китоб ўқишим режага солинган. Мен эришган бу ютуқларим блангина чекланиб қолмайман, албатта.



Бугун бир юз йигирмата қисм ишласам, эртага бир юз элликта, индинга эса ундан ҳам кўпроқ ишлашга ҳаракат қиламан.

— Заводда сизга ўхшаган стахановчилар кўпми, амаки?— сўради диққат блан суҳбатни тинглаётган а'лочи Лида.

— Кундан-кун кўпайиб бораёпти,— деди ўртоқ Челябинский,— нега десангиз, мен ҳам, заводдаги бошқа ўртоқларим ҳам Ватанимизнинг янада қудратли бўлишини ва сизларнинг яна ҳам бахтиёр яшашингизни истаймиз. Мен кейинги уч йил ичида бирнеча шоғирд етиштирдим. Заводга оддий ишчи бўлиб келган Солиҳ Одилов, Павел Қарпенко ва Раҳим Шамсиев ўртоқларга ўз ҳунаримни ўргатиб, уларни мутахассис қилиб етиштирдим. Шоғирдим Солиҳ Одилов тез кунда менга етиб олди. У мен блан тузилган социалистик мусобақа шартномасига қўл қўйиб, топшириқни икки-уч ҳисса бажарадиган бўлиб қолди. Завод коллективимиз ўртоқ Одиловни Тошкент область Советига депутат қилиб сайлади. Қани, энди сизлардан бўлсин. Байрамни қандай кутиб олаяпсизлар?


Бирнеча қиз бирдан: «Биз а'ло ўқиш блан кутиб олаяпмиз» дейишди.

— Биласизларми, ёш дўстларим,— давом этди яна Михаил Иванович,— сизлар байрамни шундай бахтиёр ҳаётда ўтказасизларки, бу улуғ кунга ҳарқанча совға тайёрласак ҳам камлик қилади. Октябрь революциясидан илгари Гомель шаҳрида ўтган бир галги Биринчи Май байрами сра ёдимдан чиқмайди. У вақтда мен тўққиз-ўн ёшдаги бола эдим. Биринчи Май намоёйишни кўргани отам орқасидан яширинча кўчага чиқдим. Қарасам, қизил байроқ кўтарган бир ишчи орқасидан жуда кўп эркак ва хотинлар баралла ашула айтишиб келишар эди. Намоёйишчилар орқасидан кетаётган бир тўда болалар қаторига қўшилиб мен ҳам боравердим. Шу чоқ қуролли полиция отрядининг биз томон от қўйиб келишаётганини кўриб қолдим. Полиция саф тортиб кетишаётганларга яқин кел-

гач, ўқ узабошлади. Бирдан намоёнчилар отлиқларни тошбўрон қилиб қарши ҳужумга ўтишди. Биз, болалар бўлсак, ҳарёққа қочиб кетдик. Кечқурун отам уйга келиб у ерда кўп киши ўлганини ва ишчилар баъзи отлиқларни тутиб калтаклаганликларини сўзлаб берди. Капиталистик мамлакатларда ҳозир ҳам Биринчи Май байрами ана шундай тўполон ва қонли курашлар билан ўтади. Бизнинг байрамларимиз эса тинч, халқнинг катта шодиёна, тантанали байрамидир. Бундай улуг ва қувончли кунга ҳарқанча тайёрлик кўрсак арзийди. Мен улуг байрамни ой охиригача 1959 йил планимни ҳам юз процент бажариш билан кутиб олиш учун зўр бериб ишляяпман. Мақсадимга албатта эришаман.

Энди сизларга келсак, мактабингизни фақат Тошкентда эмас, балки бутун республикада энг намунали мактабга айлантирибгиз. Ана шундагина сиз «Мен тўқсон еттинчи мактабнинг а'ло ўқучисиман» десангиз арзийди,—деди Михаил Иванович жилмайиб.

Пионерлар хурсандликдан қарсак чалиб юборишди...





С О В Ё А

(Очерк)

Кечаси блан ёғиб чиққан қор тонготар пайтда тиниб қолди. Орадан кўп ўтмай Қорасув район 10-нчи мактаб майдончасидаги арча ёнига болалар йиғилишди. Атрофи оппоқ қор блан қопланган арча худди парникда очилган гулдек кўмкўк яшнаб турипти.

— Назира,— деди Ким Шура, кўркем безатилган арчага тикилиб,— арчангизнинг бу йил яна чиройли безатилиши блан табриклайман!

— Раҳмат Шура,— деди севиниб Назира,— Ўзингизни ҳам табриклайман! Арча ҳаммамизники!

— Албатта-ку, лекин Лутфи иккалангизнинг хизмати-гиз бошқача-да, ўртоқжон!

Бир йили мактаб вожатийси областьни пухта ўрганиш мақсадида ўттизтача а'лочи қизлардан алоҳида саёхатчилар группаси тузди. Ёзги каникул бошланиши блан тоққа жўнашди. Саёхат вақтида ўқитучи ёрдами блан тоғ

жишларни ва ҳархил ўсимликларни текшириб намуналар тўпланди. Қайтишда Назира блан Лутфи тоғ бағрида ўстап бир арчани, томирига шикаст етказмай, эҳтиётлик блан кавлаб мактабга келтириб ўтқозишди. Улар бу арчани, ботаника дарсида ўрганганларига асосан, меҳр блан парвариш қилишди. Арча кўмкўк яшнаб йилдан-йил ўсаверди.

Мана, арча анча катта бўлиб қолди. Болалар ҳар йилги арча байрамида унинг шохларига лампочкалар осиб, авайлаб безашар, қувноқ ашулалар айтиб атрофида ўйнашар эди.

— Шундай чиройли арча кўчат ўтқазиб, ўстирганларингиз учун,— деди Ра'но Раҳимова,— иккалангиздан жуда хурсандмиз! Чунки биз сизларнинг яхши ташаббусларингиз туфайли арча байрамини ҳар йили ҳақиқий, жонли арча атрофида ўтказаямиз. Бу қандай яхши!

Арча атрофи ўқучилар блан тўлди. Мактаб қошидаги бадий ҳаваскорлар тўғарагининг а'золари «Қуён», «Айиқ», «Тулки» ва «Эчки» бўлиб «Тўлқин» куйига мос қадам ташлашиб ичкаридан чиқиб келишди. Арча атрофида қувноқ ўйинлар бошланиб кетди. Гармонь, чирмандаларнинг шўх куйлари янгради. Арча атрофини давра олган қиз ва болалар бирин-кетин ўртага чиқиб, ўйинга тушибди.

— Янасин мактабимиз раққосаси,— деди «Қаринаво»га ўйнатаётган Ра'но Раҳимовадан хурсанд бўлган бирнеча қиз.

Ра'но ўйнаб бўлиб, Назирани ўртага тортди. У эса «Тўлқин»га тушиб, Клавани ўртага чиқарди.

— «Ғонак»ка, «Ғонак»ка!— деб қичқиришди бирнеча бола. Клава музикага жўр бўлган қарсақлар остида «Ғонак»ка ўйнайбошлади.

Ўйиндан кейин бадий ўқиш бошланди. Тўлқин Юсупов, Қарим Аҳроров, Насиба Маслаҳиддинова каби пионерлар бирин-кетин ўртага чиқиб «Яша Сталин!», «Ва-

таним», «Мен бахтиёр» каби ше'рларни декломация қилишди.

Шу чоқ мактаб зали томонидан эшитилган гармонь овози болаларнинг диққатини ўзига тортди. Ичкаридан оппоқ пўстин кийган, узун соқолли Қорбобо чиқиб келди. Болалар кимнинг Қорбобо ролида чиққанини билолмадилар. Совға кўтарган Қорбобо музыка куйига мос катта-катта қадам ташлаб, ўртага келди.

— Салом, а'лочи ўғил-қизларим!— деди Қорбобо йўғон овоз блан.

— Келинг, ҳурматли Қорбобо! — дейишди бирнеча бола баравар.

Қорбобо ўртага чиқиб қўлидаги саватчаси блан елкасидаги совға халтасини ерга қўйди-да, ҳаммага кўз югуртирабошлади.

— Мен а'лочи болаларни жуда яхши кўраман!— деди у.

Қорбобо пионер Ра'нонинг ёнига бориб, унинг пешонасини силайбошлади:

— Баракалла, қизим, баракалла! Ғайрат блан ўқиб, ҳамма фандан «беш» баҳо олганинг учун сендан хурсанд бўлдим. Мана, энг катта совғамни сенга бераман!

Қорбобо совға саватчасидан, Ра'нога катта альбом блан китоб, дафтар ва қаламлар олиб берди. Ҳамманинг кўзи Ра'но қўлидаги ҳаворанг муқовали альбомда эди.

— Ҳорма, азамат!— деди Қорбобо а'лочи Қурбоналининг ёнига келиб, «тўрт» ва «беш» баҳода ўқиб, расм чизишни ҳам яхши ўрганганинг учун сенга албом, бўёқ қаламлар келтирдим. Мана, ол!

Шу пайт Қорбобо Қурбонали ёнида турган Ашурни кўриб қолди.

— Эҳе, Ашурвой, сен ҳам мени кўргани келдингми?

Ашур ўртоқлари олдида жуда ҳам уялиб кетди. У ўз вақтида дарсларни тайёрламай дангасалик қилиб, иккинчи чоракда арифметика ва она тилининг ёзмасидан



«икки» баҳо олган эди. Ашур нима дейишини билмай қолди.

— Хўш, арча байрамига сен қандай совға келтирдинг?— сўради Қорбобо,— ёки менга «икки» баҳоларинг-ни тақдим этмоқчимисан?

Ҳамма Ашурга тикилди. Ашур ерга қараганича қизариб турар эди.

— Энди дангасаликнинг зарарини тушундингми?

— Тушундим!— деди Ашур Қорбобога тик қарайолмай.— Энди яхши ўқийман!

— Ва'дангга ишонсам бўладими?

— Ва'дам чин!— деди қизариб кетган Ашур бошини кўтариб.

— Ашурнинг ва'дасига ишонсам бўладими, болалар?

— Ишонаверинг, Қорбобо, у ёлғон гапирмайди,— дейишди бирнеча бола.

— Қани, севимли дўндиқ қизларим, буёққа келингизчи!

Қорбобо Лутфи блан Назирани ўртага чақирди.

— Мана, сизлар ўстираётган арча бу йил ҳам безатилипти. А'ло ўқиганингиз ва мактаб майдонида кўркам арча ўстирганингиз учун сизлардан кўп хурсандман!— деди Қорбобо икки қизни икки ёнига олиб. Кейин у болаларга қараб сўз бошлади.— Қани, ўғил ва қизларим, бу икки ғайратли қизга раҳмат айтиб юборайлик!

Болалар Қорбобога қўшилиб:

— Арча ўстирган қизларга раҳмат!— дейишди.

Қорбобо халтасидан иккита қипқизил портфель, китоб, дафтар ва қаламлар олиб Назира блан Лутфига ҳад'я этди.

Сахий Қорбобонинг совғаларидан хурсанд бўлган болалар қарсақ чалиб юборишди.

— Ҳурматли Қорбобо,— деди қувониб Назира,— сизнинг насиҳатларингизни сра ёдимиздан чиқармай, бундан кейин ҳаммамиз доимо «беш» баҳода ўқиймиз! Баҳор

келиши блан яна гул ва кўчатлар ўтқазиб, мактабимизни гуллар блан безаймиз!

— Раҳмат, баракалла ғайратларингга! Сизларга ишондим. Хайр, энди келгуси йилда учрашамиз!

— Хайр, Қорбобо, оқ йўл тилаймиз сизга!

Қорбобо совғадан бўшаган халтасини саватчасига солиб жўнади.





ЮТУҚНИНГ СИРИ

Зафар ҳечқачон шунақа хуноб бўлган эмас. Наҳоятки у, уч-тўрт масалани бирнеча минут ичида еча-ю, битта масалага келганда салкам икки соат овора бўлса? Охири Зафар тўртинчи марта ҳам уриниб кўрди, ечаолмади. Масала — содда, анча осонга ўхшаб кўрингани учун у, ўртоқларидан сўрагиси келмади. Зафар қийналса ҳам ҳарбир ишни ўзи мустақил ҳал этишни яхши кўради. Лекин бу сафар у ҳарқанча уриниб кўрса ҳам, масаланинг жавобига тўғри келмас эди. Зафар «чарчаган бўлсам керак» деб дафтарларини йиғиштирди-да, эрталаб синфга бориб доскада ишлайдиган бўлди.

Зафар эрталаб мактабга келганида ҳечким йўқ эди. У синфига кириб, масалани доскада ечишга киришди. Назарида ҳозироқ ҳал қиладиганга ўхшар эди. Лекин ундай бўлмади.

— Оббо, яна тўғримас-а! — деди Зафар натижани китобдаги жавобга солиштириб кўраркан.

Худди чуст дўпписи халал бераётгандек, у дўпписини партага олиб қўйди-да, оппоқ рўмолчаси блан кенг пешонасини артди. Кейин анчагача ўйлаб туриб, доскадаги хатларни тез-тез ўчирди ва қайтадан ишлашга киришди. «Ишлаш керакми—ишлайман-да!» деди у ўз-ўзига буйруқ

қилгандек. Шу чоқ Зафарнинг синфдоши Мансур кириб келди.

— Эҳа, бунча эрта!— деди Мансур салют бериб.

— Жуда яхши келдинг, ўртоқ!— деди Зафар суюниб.

— Эшитаман, начальник!— Мансур ҳарбийча честь берди.

— Ҳазилингни қўятур, уй вазифаларинг тайёрни?

— Ҳа, нима эди, ўртоқ контролёр?

— Сўрадим-да, масаланинг иккинчисини кечадан буён ечаолмаяпман. Сен қайси йўлда ишладинг, салгина ёрдам қилсанг-чи!

— Кўчириб ол!— деди Мансур папкасини кўрсатиб.

— Ургатгин-да, кўчиришдан нима фойда?

— Ўзим ҳам кўчириб олдим.

— Бўлмаса ўтир, ишлаймиз! Ҳали дарс бошланишига анча бор.

— Қоче, коптов тепаман, коптов,— деди эшикдан чиқаётган Мансур, худди коптов тепгандек оёғини ҳавода ўйнатиб.

Зафар ўйланиб қолди. У ёдида масаланинг ечилиш йўллари ахтарар эди.

— Топдим-топдим!

Мушкул масала дарров аён бўлиб қолди. Зафар асосий сонни ҳисобламаган экан. У, бир пастда масалани ечиб, китоб жавобини очди.

— Тўппа-тўғри!— Аккангнинг математикаси!— деди у енгил тортиб.

Зафар масалани дафтарига кўчириб бўлиши билан дарсга звонок чалинди ва синф раҳбари Муҳаррам она кириб келди. У, рўйхатни ўқиб бўлгач, ўрнидан туриб болаларни кўздан кечириб чиқди.

— Уй вазифасини ким ишлайолмади?— деб сўради Муҳаррам она.

У айланиб дафтарларни текшириб Мансурнинг ёнига келди-да, тўхтаб қолди.

— Қийналмай ишладингми, Мансур?— сўради у.

— Йўқ,— деди Мансур зўрма-зўраки кулиб.

— Иккинчи масалани доскада ишла-чи!

Мансурнинг қовоғи солиниб, пешонаси тиришди. Худди биров унинг икки ёнидан босиб тургандек, аранг ўрнидан қўзғалди-да, битта-битта доска ёнига келди.

— Хўш, ишлаёлмайсанми?— сўради Муҳаррам опа Мансурнинг кўзларини пир-пиратиб турганини кўргач. Мансур қайтиб келиб, китобини олди-да, масалани доскага ёзабошлади. Унинг имиллаб ёзиши гўё бошқа одам унинг қўлини ушлаб мажбуран ёздираётганга ўхшар эди. У масалани ёзиб бўлиб, икки ёққа кўз қирини ташлагандан кейин, чўнтагидан қоғоз олди-да, ўшанга қараб ишлайбошлади. Буни пайқаган ўқитучи орқада туриб бош чайқади.

— Ўтир!— деди Муҳаррам опа койингандек.— Зафар, сен чиқ!

Зафар ирғиб туриб масалани ишлайбошлади. Ҳамма унинг рақамларни чиройли ёзиб, тез ишлатиши тамоша қилиб турар эди. Орадан беш минут ўтар-ўтмас Зафар масалани ечиб ҳам бўлди.

— Баракалла, ўғлим! Ўтир,— деди Муҳаррам опа қувониб.— Ҳаммада шунақа чиққанми? Солиштириб кўринглар-чи.

Муҳаррам опа икки ўрилган узун қора сочини қайтадан бошига чамбарак қилди-да, жилмайганича журнални очиб баҳо қўйди. Олдинги партада ўтирган Тўлқин қўлини аста орқасига чўзиб, Зафарга беш бармоғини, Мансурга эса икки бармоғини кўрсатди. Кимдир пиқ этиб кулиб юборди. Зафарнинг оппоқ юзи қизариб кетди. У ялт этиб Мансурга қаради. Мансур партага тикилганича, қовоғини солиб ўтирар эди. Унинг қорачадан келган юзи оқариб кетганга ўхшар эди.

— Хўш, нима гап?— деди Муҳаррам опа ҳаммага бирма-бир қараб. Синфда яна жимлик чўкди. Ўқитучи бирин-кетин Акмал, Нурмат ва Содиқларни доскага чақириб масалалар ишлатди.

— Кеча она тили ўқитучингиздан диктант дафтарларингизни олдим,— деди Муҳаррам опа дарс охирида папкасидан бирнеча дафтарни олиб.— Ба'зибирларингиз Крупскаянинг сўзларига яхши тушуниб етмай, хато ёзгансиз. Мана: «Турмушда билим жангдаги қуролдек зарур». Бу гапнинг ма'носини ким айтиб беради?

Бирнеча бола барабар қўл кўтаришди.

— Қани, Тўлқин, сен айт-чи!

— Крупская киши учун билимнинг жуда зарур эканини айтади.

— Тўғри, Крупская, турмушда билимсиз яшаш жангга қуролсиз кирган блан барабар, дейди. Жангга қуролсиз кириш мумкинми?

— Мумкин эмас!— дейишди бирнеча бола бирданига.

— Демак, билимсиз яшаш ҳам мумкин эмас!

Қўнғироқ чалинди. Муҳаррам опа синфдан чиқишни блан болалар Мансурни ўртага олишди. Улар, ўқитучини алдагани ва «икки» баҳо олиб звенонинггина эмас, балки бутун отряднинг ҳам обрўйини туширгани учун Мансурдан жуда хафа эдилар.

— Эринчоқнинг иши ҳамавақт шунақа, чатоқ бўлади,— деди Тўлқин.

— Тўлқиннинг гапи тўғри,— сўзга аралашди Зафар мулойимлик блан.— Отрядга иснод келтирма-да, ўртоқ!

— Шу ўқитучи ўзи қизиқ...— мингиллади Мансур ўзини оқлашга тиришиб.— Бир маҳал ишламай келганим учун икки қўювди, бугун ишлаб келсам ҳам икки, у мени ёмон кўради.

— Ўқитучида нима айб? Ўзингдан кўр!— деди Зафар.

Мансур зарда блан эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Болалар бир-бирларига тикилишганича туриб қолишди. Уларнинг юзларида ачиниш аломатлари сезилиб турар эди.

— Бекор уришдик, ёрдам берсак ётиб олар эди,— деди Зафар хафа бўлиб.

Тўлқин Мансурдан кечирим сўрамоқчи бўлгандек қоридор томонга бир қараб қўйди.

— Яхшиси кечқурун бизникига келинглар!— деди Зафар, бирпас ўйлаб тургандан кейин.

— Нима қиламиз?— Тўлқин шошилиб сўради.

— Мансурни чақириб чиқаман. Очиқ-ойдин сўзлашиб, план тузамиз. Ҳаммамиз ёрдам берамиз. Агар у айрат қилса, чорак охиригача бизга етиб олади.

— Агар ўзи истамаса мажбур ҳам қилмаймиз, ёрдам ҳам бермаймиз.

— Албатта, ўзи ҳаракат қилса ёрдам берамиз!— деди Тўлқин.

* * *

Югурганича уйига кетаётган Мансур кўчада почтальонга дуч келди. Почтальон унга хат берди.

— Ие, дадамдан-ку!— деди конверт устидан кўз югуртган Мансур чўчигандек.— Очсам онам...

Хат Москвага командировкага кетган отасидан эди. У, бир нафас ўйланиб тургач, конвертни очди. Конверт ичида иккита хат бўлиб, бири Мансурнинг онасига, иккинчиси Мансурнинг синф раҳбари Муҳаррам опага ёзилган эди. Мансур онасига ёзилган хатни ўқий бошлади: «Ўғлимга берган вадамга мувофиқ битта кичик машина сотиб олдим...»

— Машина!— деди Мансур қичқириб. Агар шу тобда отаси ёнида бўлганида, уни қучоқлаб, ўпиб олган бўларди. У хатнинг давомини ўқиди: «Мансур ҳам дарсларини яхши ўқиб, ўз сўзининг устидан чиқаяптими?»

Тўсатдан бирор жойига санчиқ турган кишидек Мансурнинг пешонаси тиришиб кетди. У бирнеча минут ўйлашиб тургандан кейин иккинчи хатни кўздан ўтказиб бошлади.

— Ҳечкимга билдирмайман!— деди Мансур қовоғини ёсилтириб,— дадам Москвадан келиб сўраб қолса-чи...



Ўртоқларимни бекор хафа қилиб қўйдим-да! Ёрдам беришса дадам келгунча етиб олар эдим.— Мансур хатни чўнтагига солиб, уйига жўнади.

— Яхши келдинг, Мансур,— деди ток тагидаги сўрида хамир қилаётган Мастура хола уни кўриши блан,— укангни ўйнатиб ўтиратур, мен Муҳаррам опанг блан озоқ гаплашиб келаман.

* * *

— Мансурнинг аҳволи чатоқроқ!— деди Муҳаррам опа.

— А, чатоқ дейсизми?!— сўради Мастура хола.

— Ҳа, боласи тушмагур кейинги кунларда пастлашиб кетди, ўйинга кўпроқ берилиб қолди шекилли. Ҳозир арифметикадан ҳам, она тили ва рус тилидан ҳам баҳоси чикки!

— Вой шўрим! Нега шу кунларда ўзгариб қолди, дедим-а.

— Албатта, сиз ҳам, бизлар ҳам биргалашиб, уни бу аҳволдан чиқариб олишимиз керак,— деди ўқитучи.— Агар бола ҳозирданоқ чидам ва кунт блан ўтириб ишлашга ўзини ўргатиб, чиниқтириб бормаса, катта бўлганда эринчоқ, қобилиятсиз, ҳечнарсани уddaлайолмайди-ган бўлиб қолади. Хуллас, Мансурнинг ўзи блан алоҳида бир гаплашмоқчиман! Файрат қилса ўртоқларига етиб олади, албатта.

— Раҳмат, ўзингиз ёрдам бермасангиз бўлмайди. Менинг билишимча, боланинг ўсиб бориши ота-онага унча билинмас экан. Сизлар бир эмас, юзлаб боланинг юриштириши, гап-сўзи, хулқи, муомиласи, ҳатто қалам тутишидан тортиб тугмасининг тўғри қадалишига қадар кузатиб борар экансизлар.

Мастура хола ўқитучи блан анча суҳбатлашгандан кейин, хайрлашиб ўрнидан турди.

Куилар, ҳафталар бирин-кетин ўтиб кетди.

Болалар имтиҳон ўтадиган зални чўғдек безатишди.

— Столни ҳам яхшироқ безаб қўяйлик,— деди гулдаста олиб келган Тўлқин.

Имтиҳондан ўтаётганингда «гулни мен олиб келганиман» деб қўйгин-да, ўртоқ,— деди Зафар.

Болалар кулиб юборишди.

Демак, сен ҳам «сиёҳ блан ручка бизники» дер экансан-да. Стул ташиганингни ҳам қўшиб қўйсанг, балки имтиҳонсиз беш қўйиб юборишар!— деди Мансур.

Ўна кулки кўтарилиди.

Болаларнинг вақти чоғ эди, чунки улар яхши тайёрланганликларидан, имтиҳонларни муваффақият блан беришларига қаттиқ ишонган эдилар.

Ҳазил-мutoйиба блан вақтнинг ўтгани сезилмай ҳам қолди.

Болалар зални батамом безатиб бўлганларидан кейин, бутун қиш бўйи қилган ишларига, олган билимларига, ораларидан ҳаркимнинг эришган ютуқларига дастлабки якун ясаи тарзида гаплашиб олдилар. Ўтгандаги айрим воқеалар, кимнинг қандай ўқиганлиги, зиммасидаги вазифаларга қандай муносабатда бўлганлиги эсга олиб ўтилды. Жумладан, Мансур ҳақида гап очилган эди, Зафар қат'ий ишонч блан:

— Ҳаммамиз ўтамиз!— деди.— Қани, юринглар, кимнинг қандай тайёрланганини имтиҳондан ўтгач гаплашамиз.

Болалар синфга кириб кетишди. Улардан сўнг кўп ўтмай ўқитучи ва бир-иккита нотаниш кишилар ўқитучилар хонасидан чиқиб имтиҳон бўладиган синфга кириб кетишди...

Бир маҳал гулдаста кўтаришиб Мансур блан Зафарнинг оналари ҳам келиб қолишди. Уларнинг юзларидан ҳаяжонланаётганликлари сезилиб турар эди. Коридор жимжит. Синфдан чиқаётган ба'зи болалар оёқ учида қз-

дам босиб, осойишта ташқарига юришмоқда, икки она ўғиллари ўқийдиган синф олдига келиб тўхташди. Шу дам ичкаридан қизариб Зафар чиқиб келди.

— Ҳа, болагинам, ўтдингми?— шошилиб сўради Зафарнинг онаси.

— Ўтдим. Сра тutilмадим!— жавоб берди Зафар севинч блан.

— Ўғлим, Мансур ўтмадими?— сўради Мансурнинг онаси.

— Ҳозир билет олди. Ташвишланманг, у ҳам ўтади.— деди Зафар.— Ҳозир уни илгариги Мансур деманг, чакана тайёрлангани йўқ.

— Тўғри айтасан!— тасдиқлади онаси.— Сизларнинг ёрдамларингизда ўғлим бутунлай ўзгариб кетди. Унинг мулоим, дилкашлигини айтмайсанми. «Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди» деб шуни айтадилар-да. Унинг ўзгаришига ўқитучи блан сизларнинг кўмагинглар сабаб бўлди. Ишқилиб имтиҳондан яхши ўтсин-да.

Синфдан ўқитучи, Мансур ва бирнеча болалар чиқиб келишди.

— Ўтдим, ойи! Во!— деди Мансур онасига бош бармоғини кўрсатиб.

— Онанинг кўнгли болада экан-да, кўнглингиз тинчимай келдингизми?— деди ўқитучи оналар блан кўришиб. Сўнг Мансурнинг ёнига келиб елкасига қоқди.— Мана, азамат, «Ҳаракатда баракат» деб шуни айтадилар. Ютуқнинг сири ҳаракатда.

— Муҳаррамхон,— деди Мансурнинг онаси.— Ўғлим нима олди?

— Нима бўлар эди. Ғайратли кишининг иши доим беш-да!

Мансур кўзларини чақнатиб Муҳаррам опага бир зум тикилиб турди-да, югуриб келиб қучоқлаб олди. Унинг шодлиги юрагига сизмас эди...



БОКСЁР

Бир куни Ўлмаснинг синфдоши Алишер ҳовлиқ¹б янги гап топиб келди.

— Биласизларми,— деди у синфга кирар-кирмас,— Аҳмадлар синфига бир ўқучи келипти. Бўйи баланд, кўзи кўк, қўлларини кўрсанг ҳайрон қоласан! Ҳарбир мушти нақ пиёладай келади-я!

— Хўш, пиёладек мушти бўлса нима? Бунча ҳовлиқ²масанг?— деди Ўлмас таажжубланиб.

— Э, қизиқ гапирасан-а,— деди Алишер аввалгидек кўзларини катта очиб,— у бола-чи, боксёр эмиш. Биринчи боксёр!

— Боксёр бўлса, жуда соз. Нега ҳовлиқасан?

— Ие, гапингни қара-ю!— деди Алишер койигандек,— ҳовлиқаётганим йўқ, ачинаяпман!

— Хўш, нега ачинасан?

— Бизнинг синфга кирмагачига ачинаман-да! Синфда ўшанақа боксёр бола ўқиса ёмон бўлармиди, қитдак ўйлаб боқ-чи?

— Синфимизда бўлди нима-ю, мактабимизда бўлди нима?— деди Ўлмас, хотиржам қиёфада.

Лекин нима учундир унинг юраги сал жимирлаб кетди.

— Гапнинг очигини айтганда,— деди Фиёс, суҳбатга аралашиб,— Ўлмас ҳам унча-мунча боксёрингдан қолишмайди!

Ўлмас боксга жуда қизиқарди. Бу ҳақда у бирнечта китоб ҳам ўқиб чиққан. Пионерлар саройидаги бокс тўғраги машғулотларига ҳам анчадан буён қатнашиб турарди. Уйда бокс машқларини канда қилмасди. Дарс тайёрлаш ва уй ишларидан қўли бўшаши блан бокс перчаткасини кийиб, айвонда осиглиқ, тўпон солинган халтани муштлагани-муштлаган.

Ҳарбир ишда биринчилиكنи эгаллашга уриниш — Ўлмаснинг энг севган одати. У ўқишда илғор бўлганидек, мактабдаги тенгқурлари орасида югуришда ҳам, сакрашда ҳам, сузишда ҳам биринчилар қаторида келарди. Унинг гимнастика блан мунтазам шуғулланиши орқасида кундан-кун пишиб, бўртиб бораётган мускуллари ва кенг кўкрагини кўрган киши: «Бўйи сал кичикроқ бўлса ҳам, пўлат қолипда қуйилгандек пишиқ бола экан» дейди.

Танаффус чоғида Ўлмас синфдошлари блан коридорда турар эди. Аҳмад янги келган бола блан қўл ушлашиб синфидан чиқиб келди-да, Ўлмасларга қараб: «Янги синфдошимиз блан танишиб қўйинг!» деди. Кейин у: «Ўзи боксёр» деб қўшиб ҳам қўйди.

— Кўчқор,— деди у бола Ўлмас блан кўришар экан.

— Ўлмас,— деди унга жавобан Ўлмас. Бошқа болалар Кўчқор блан кўришар экан, унинг йўғон панжаси блан баланд гавдасига кўз қирларини ташлаб қўйишди.

— Дам олиш кунн ўртоғимиз пионерлар саройида бўладиган бокс мусобақасида қатнашмоқчи,— деди мактаб боғчаси томон кетаётган Аҳмад орқасига қайрилиб. Бу сўзни у гўё Улмасга текизиб айтаётганга ўхшар эди.

— Раҳмат, балки биз ҳам бориб қолармиз,— жавоб берди Улмас истар-истамас.

— Улмас,— деди Алишер бироз ўйланиб тургач,— ростдан ҳам, дам олиш кунн Қўчқор блан боксга тушмайсанми?

— Эҳа, гапингни қара-ю,— деди пионерлардан бири хавфсирагандек,— Қўчқорнинг савлатини қара.

— Боксда-ку, бўйнинг баланд, муштнинг йўғон бўлиши масалани ҳал этаолмайди-я, аммо менинг тажрибам камроқ-да,— деди Улмас хаёлчан,— у анчадан буён боксга тушиб юрган болага ўхшайди.

Болалар бир-бирига тикилишиб жим бўлиб қолишди. Уларнинг юзида «боксда бизнинг отряд ютаолмас эканда» деган афсусланиш аломатлари сезилиб турар эди. Бу ҳолни пайқаган Улмас ўртоқларининг кўнглини кўтаришга уриниб:

— Дам олиш кунн пионерлар саройига борайлик-чи, нима гап, нима сўз бўлади,— деди. Агар комиссия рухсат этса тушавераман!

— Менингча, Улмас Қўчқорни енгса-енгади, аммо енгилмайди!— деди ўртоғига ишонган Алишер хурсанд бўлиб.

— Менга қара, Улмас, боксни менга ўргатсанг-чи,— деди Алишер қизиқиб.

— Қани эди ўргансанг! Доим бирга машқ қилар эдик. Бизникида ҳамма нарса бор.

— Бўпти, ўрганаман! Икки ойдан кейин Қўчқор блан ўзим олишаман.

* * *

Пионерлар саройининг спорт зали ҳарвақтдагидан гавжум. Аҳмад блан Улмаснинг синфдошлари ҳам шуер-

да. Улар икки тўпга бўлинишиб, нималарнидир қизғин муҳокама қилишмоқда.

— Мусобақага қатнашучи боксёрлар ўртага чиқсин!— деб қичқирди саҳнага кўтарилган бокс ўқитучиси Сергей Иванович.

Бирнеча бола қаторида Қўчқор ҳам саҳнага чиқди.

— Биринчи олишучи Қўчқор блан Назар тайёрлансин!— деди Сергей Иванович.

Қўчқор саҳнанинг ўртасига келиб, пастдаги ўртоқларига бир жилмайиб қўйди.

— Дадил бўл!— деди Аҳмад ҳаммага эшитдириб. Кейин у «Бизнинг ўртоқни кўриб қўйинглар» дегандай, қатор ўтирган Улмас блан Алишерга қараб, мийиғида кулди.

— Мақтанчоқлигини тамоша қил,— деди энсаси қотган Алишер аста Улмаса эгилиб. Улмас «парво қилма» дегандай кўзини қисиб қўйди.

Қўчқор кафти ва бош бармоғи блан билагининг пастига бинт ўрайбошлади.

— Ие, бинтнинг нима кераги бор? — таажжубланиб сўради Алишер Улмасдан.

— Панжаларни мустаҳкам тутати.

— Мен тайёр!— деди Қўчқор бокс перчаткасини кийиб.

— Назар-чи?— сўради ўқитучи.

— У кўринмайди.

— Ундай бўлса иш чатоқ-ку!— деди ўқитучи ҳайрон бўлиб.— Агар Назар келмаган бўлса, сен ҳам қатнашаолмайсан, Қўчқор.

— Талабгор чиқиб қолар, Сергей Иванович,— Қўчқор кеккайиб пастдагиларга қаради. Қўчқорнинг қарашидан Улмас: «Мени талаб қиляпти шекилли» деб ўйлади.

— Бизнинг ўртоққа талабгор ҳам топилмайди, дейман!— Аҳмад пичинг блан Улмас томон тикилди. Бу гап Улмаснинг гашига тегди. У ирғиб ўрнидан турди-да, саҳ-

нага чиқиб кетди. Унинг синфдошлари ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарашди

— Сергей Иванович! — деди Ўлмас ўқитучига яқин келиб, — Қўчқор блан тушишга рухсат беришингизни сўрайман!

— Эҳе, ғайратинг каттаку, йигитча! — деди ўқитучи хурсанд бўлиб. — Ўғлим, ҳали сенга эрта. Қўчқор икки йилдан буён машқ қилаяпти.

— Майли, Сергей Иванович, пишаман-да, тушаварай! — илтимос қилди Ўлмас қайтгуси келмай.

— Жуда тушқинг келаяпти шекилли-а?

— Жуда! — деди Ўлмас севиниб.

— Ечинақол бўлмаса.

Ўлмаснинг ечинаётганини кўрган синфдошлари зўр қувонч блан кўзларини катта очиб туришар эди. Ўқитучи боксга тушучиларнинг номларини айтди. У, Ўлмаснинг тўғаракка яқиндагина қатнашабошлаганини ҳам қўшиб қўйди.

Боксёрлар бир-бирига қўл беришгач, жангги бошлаб юборишди. Қўчқор биринчи бўлиб Ўлмаснинг юзига урди.

— Есть биринчи зарба! — қичқирди Аҳмад.

Алишер унга олайиб қараб қўйди. Зарба анча таъсирли эди. Ўлмас бир гандираклаб, кейин ўзини ўнглаб олди. Сал ўтмай Ўлмаснинг пешонасига иккинчи мушт тушди.

— Есть иккинчи зарба! Чакана эмас бизнинг Қўчқор, — деди Аҳмад ён-атрофига кўз югуртириб.

Кураш тобора жиддийлашаверди. Ўлмас жуда оғир ҳаракат қилиб, ўзини мудофаа этиш блан овора бўлди.

— Нега Ўлмас ҳужумга ўтмайди-а? — чидамсизлик блан сўради Ғиёс ҳовлиқиб.

— Ҳайронман, қўли калталиқ қилаяпти шекилли! — жавоб берди Алишер Ўлмасдан кўзини узмай.

Ўлмас ўнг қўлини ҳужумга кўтариб, чап қўли блан Қўчқорнинг қорни юқорисига қаттиқ бир мушт урди.

Ўлмас яхши мўлжалламай, фойдасиз ҳужум қилиш блан ўзини чарчатиб қўйганини эслаб ачинди.

— Нега хафа бўламиз! Сен боксни Қўчқор сипгари йиллаб машқ қилибсанми? Тўғаракка фақат икки ойдан бери қатнашаяпмиз. Бу биринчи тушишингку!— Алишер Ўлмасга далда берди. Лекин у Ўлмас енгилиб қолгани учун қаттиқ қайғурар, Аҳмаднинг «Ғалаба» деб қичқирганини эслаб алами қистар эди.

— Эртадан бошлаб боксни ўрганишга астойдил киришаман!— деди Алишер чўрт кесиб.— Тўғаракдан тапқари уйда ҳам машқ қиламан. Мен дастлаб курашга Аҳмадни чақираман. Агар у унамаса Қўчқор блан ҳам тушавераман!

Алишер худди биров блан тортишаётгандек овозини кўтариб, кескин сўзларди.

* * *

Бирнеча кунгача Ўлмас ва унинг синфдошлари уялиб юришди. Спортнинг бошқа хилларида доим ғалаба қозониб келган Ўлмас айниқса уялар, гўё ўқучилар «Қўчқордан енгилган бола ана шу» деб уни кўрсатаётгандек туюлар эди.

Пионерлар саройидан қайтган кундан бошлаб Ўлмас блан Алишер бир-биридан сра ажрашмади. Мактабдан келиб, овқатланиб бироз дам олганларидан кейин дарс тайёрлашарди-да, дарров шим ва кўйлаklarини ешиб, перчаткаларини кийиб бокс машқига тушишарди.

Улар гоҳ тўпон тўлдирилган халтанинг икки томонидан туриб, куйиб-пишиб муштлашар, гоҳ тутга осилган арқонга тирмашиб, баладга чиқишар, гоҳ кенг ҳолатда тушиб иккаласи икки коптовни тез-тез отиб ўйнашар, гоҳ калта чилвирни икки қўлга ушлаб ундан иргитшар эдилар. Ба'зан эса худди санаётгандек бармоқларини дам очиб, дам юмиб панжаларини тез ҳаракатлантирар эдилар.

— Бу иккаласида бир гап бор!— деди Улмас блан Алишернинг ҳаракатларини деразадан кузатиб турган Йўлдош ака кулиб,— бўлмаса бунчалик машқ қилишмас эди.

— Ие, ҳали сиз беҳабар экансиз-да,— деди Олияхола Йўлдош акага жиддий тикилиб,— Улмасингиз бир бола блан боксга тушиб тозаям олишган эмиш.

— Хўш, енгипими?— сўради Йўлдош ака шошилиб.

— Қаёқда енгади, сулайиб, йиқилиб қолган эмиш!

— Эҳе, ҳали гап шунақа, денг!— деди Йўлдош ака ташвишли оҳангда.

Йўлдош ака ўғли Улмаснинг ўқишда ҳам, спорт мусобақаларида ҳам ўз тенгқурлари ичида олдинда боришини яхши билар эди. Боксда енгилиб қолганини эшитиб ҳайрон бўлди.

— Агар Улмасни енгган бўлса, зўр бола экан-да, азамат!— деди Йўлдош ака, ўйланиб.

— Нега менинг ўғлимдан зўр бўлсин, билиб-билмай гапираверманг-да!— деди Олияхола «зўр» деган сўзга гаши келиб.— Сизни ҳам туядек одам блан курашга тушириб қўйсин-чи,— қўлингиздан нима келар экан?!

— Улмас катта бола блан олишиптими?— таажжуб блан сўради Йўлдош ака.


— Катта бўлганда ҳам Улмасга худди бир яримта келади!— деди Олияхола койиниб.— Улмасингизнинг қайсарлигини айтинг, ўша бола блан тагин боксга тушар эмиш.

— У бола нечанчи синфда ўқир экан?

— Еттинчида.

— Бе, санамай саккиз деяверманг-да, сиз ҳам!— деди Йўлдош ака кулиб.— Ёши тенг бўлгач, бўйи баланд-пастлигининг аҳамияти йўқ. Ғам еманг, бола пишади. Би ласизми, бокс кишини пўлатдек мустаҳкам, шердек бақувват, чаққон қилади.

Терга ботган Улмас блан Алишер уйга кириб келишди.



— Яша!— деди Алишер ўрнидан турганини сезмай

Мушт Қўчқорга қаттиқ тегди шекилли, бир эгилиб, орқасига тисарилди. Ўлмас чап қўли блан унинг кўкрагига ўқталиб, ўнг қўли блан жағига яна урди. Қўчқор гандираклаб кетди. Ўлмас тагин ҳужумга ўтмоқчи эди, ўқитучи дам олишга сигнал чалди.

Алишер блан Аҳмад саҳнага югуриб чиқишди.

— Яша, дўстим, яша! — деди Алишер Ўлмаснинг қўлини сиқиб.— Юзингга ёмон тегдими?

— Ҳечқиси йўқ, ташвишланма.

— Чап қўлингнинг яхши ишлаши сенинг катта ютугинг! Бўш келмайсан!

Яна жанг бошланди. Қўчқор Ўлмасга гал бермай, устма-уст ҳужум қилар эди. Айниқса унинг кўкрагига туширган зарбаси ёмон бўлди. Ўлмас анча энтикиб қолди. Нафас олиши оғирлашди. Пайтдан фойдаланган Қўчқор Ўлмаснинг жағига зарб блан бир мушт урди. Ўлмас орқасига икки қадам гандираклаб кетди. Қўчқор бир зумда етиб келиб, унинг кўкрагига иккинчи зарбани туширган эди, Ўлмас йиқилиб қолди.

— Ғалаба, ғалаба!— қичқирди Қўчқорнинг ёнига чошиб келган Аҳмад.

— Қарнай чалаверма! деди Алишер Аҳмадга олайиб.

Ўлмас ўрнидан туриб ўртоқларига қараб кулди. Кейин Қўчқорга ўгирилди. Қўчқор дўстлари блан овора эди. Ўлмас аста унинг ёнига бориб, қўлини чўзди. Қўчқор эса гуноҳкор кишидек хаёлчан у блан кўришди. Бирнеча минут жимликдан кейин Ўлмас тез-тез кийинди-да, «рақиблари» олдида узоқ турмаслик учун чиқиб кетди. Уни ўртоқлари қўлтўқлаб олди. Улар ерга қарашганича чурқ этмай, ғамгин борар эдилар.

Ўлмас кўчага чиққанидан кейин тетикланиб қолди.

— Хафа бўлиш керакмас!— деди Ўлмас синфдошларининг кўнглини кўтариб,— мен жуда катта хато қилдим. Шунинг учун енгилдим!

Ўлмас яхши мўлжалламай, фойдасиз ҳужум қилиш блан ўзини чарчатиб қўйганини эслаб ачинди.

— Нега хафа бўламиз! Сен боксни Қўчқор сингари йиллаб машқ қилибсанми? Тўгаракка фақат икки ойдан бери қатнашаяпмиз. Бу биринчи тушишингку!— Алишер Ўлмасга далда берди. Лекин у Ўлмас енгилиб қолгани учун қаттиқ қайғулар, Аҳмаднинг «Ғалаба» деб қичқирганини эслаб алами қистар эди.

— Эртадан бошлаб боксни ўрганишга астойдил киришаман!— деди Алишер чўрт кесиб.— Тўгаракдан ташқари уйда ҳам машқ қиламан. Мен дастлаб курашга Аҳмадни чақираман. Агар у унамаса Қўчқор блан ҳам тушавераман!

Алишер худди биров блан тортишаётгандек овозини кўтариб, кескин сўзларди.

* * *

Бирнеча кунгача Ўлмас ва унинг синфдошлари уялиб юришди. Спортнинг бошқа хилларида доим ғалаба қозониб келган Ўлмас айниқса уялар, гўё ўқучилар «Қўчқордан енгилган бола ана шу» деб уни кўрсатаётгандек туюлар эди.

Пионерлар саройидан қайтган кундан бошлаб Ўлмас блан Алишер бир-биридан сра ажрашмади. Мактабдан келиб, овқатланиб бироз дам олганларидан кейин дарс тайёрлашарди-да, дарров шим ва кўйлакларини ечиб, перчаткаларини кийиб бокс машқига тушишарди.

Улар гоҳ тўпон тўлдирилган халтанинг икки томонида туриб, куйиб-пишиб муштлашар, гоҳ тутга осилган арқонга тирмашиб, баландга чиқишар, гоҳ кенг ҳовлига тушиб иккаласи икки коптовни тез-тез отиб ўйнашар, гоҳ калта чилвирни икки қўлга ушлаб ундан ирғишар эдилар. Ба'зан эса худди санаётгандек бармоқларини дам очиб, дам юмиб панжаларини тез ҳаракатлантирар эдилар.

— Улмасбой,— деди Йўлдош ака жиддий,— бу кунларда нега бесаранжом бўлиб қолдингиз десам, ишлар пачава экан-да, шер?

— Биринчи тушишим-да! Енгиб чиқаман!— жиддий деди Улмас ерга қараб. Унинг кўзида ғалабага ишонч ўтлари чақнаб турар эди. Йўлдош ака блан Олияхола бир-бирларига қараб қўйишди. Уларнинг бу сирли қарашида қандайдир умид ва мамнунлик аломатлари кўринди...

* * *

Пионерлар саройининг зали одамга лиқ тўлиб кетган. Уқучилардан ташқари ба'зи ўқитучилар ва ота-оналар ҳам келишган.

Улмас бокс бошлангандан кейин бирданига ҳужумга ўтмай, фақат ўзини мудофаа қилиш блан кифояланди. Бунга ба'зи тамошабинлар «Улмас енгилади» деб баҳо беришди. Лекин Улмаснинг кўпчилик ўртоқлари ишончларини йўқотмай, курашни диққат блан кузатишар эди.

Қўчқор бугун учинчи марта ҳужумга ўтиб, кетма-кет қўл чўзабошлади. Лекин Улмас унинг ҳамма ҳужумига чап берди деса бўлади. У Қўчқорнинг мўлжалини бузиб, жуда чаққонлик блан кўчиб юрар пайт пойлар эди. Сўнг-ра Улмас бирдан ҳужумга ўтди. У, ўнг қўлини Қўчқор бўйинининг чап томонига ўкталиб, чап қўли блан унинг нягига жуда қаттиқ урди. Қўчқор ёнига бир қадам гандираклади. Улмас пайтдан фойдаланиб, чап қўлини ўйната-ўйната худди найза санчигандек, ўнг қўли блан унинг кўкрагига урди.

— Вой тирранча. У ёмон бола эканку! Сра аямай уради-я!— деди Олияхоланинг қаторида ўтирган Қўчқорнинг онаси жаҳл блан.

— Оғзингизга қараб гапиринг, туядек болангиз урса суюнар эдингизми?— Яхшиям улар мусобақа ўйнашаяпти, бўлмаса...— деди Олияхола зарда блан.

Қўчқорнинг онаси уялиб қолди.

Саҳнадаги кураш иккала она диққатини ўзига жалб этди. Улар тобора жиддий тус олаётган курашни бутун вужуди блан кузатабошладилар.

Қўчқор ўзини тутиб олди. Энди у илгаригидагидек кетма-кет ҳужум қилмай, пайт пойлар, Ўлмаснинг ҳам кўкрагига уришни мўлжаллар эди. Қўчқорнинг қўли анча узун бўлганидан Ўлмасни ўзига сра яқин йўлатмасдан кўпроқ икки қўл блан ниқталаб урар эди. Ўлмас узоқ машқ орқасида чап қўлини ҳам худди ўнг қўлидек чаққон ва бақувват қилиб тарбиялаган. Шунинг учун Қўчқор унинг чап қўлидан ҳадиксирар эди.

Танаффус берилди. Ўлмас блан Қўчқорнинг ўртоқлари шошилишиб икки боксёрнинг юзларидаги терларини артишди, елпишди, билак ва елкаларини массаж қилишди.

Танаффусдан кейин қизик бир воқиа рўй берди. Ўлмас жуда эпчиллик блан Қўчқорнинг пинжига кириб олиб, гоҳ унинг кўкрагига, гоҳ жағига ниқталаб муштлайбошладди. Қўчқорнинг бўйи баланд бўлгани учун қаёққа уришини билмай эсанкираб қолди. Орқага уриб бўлмайди, бошга уриш мумкин эмас. Онда-сонда юз ва елка томонга урилаётган бўш зарба Ўлмасга унча таъсир этмас эди.

Кўкрак пастига уриш кишининг эркин нафас олишига тўсқинлик қилиб, тез чарчатиб қўйса, иякка урилган зарба кишини гангитиб, мўлжалдан янглиштирар эди. Бунга яхши билган Ўлмас зарбани фақат шу икки жойга беришга ҳаракат қилди.

Қўчқор гандираклаб қолди. Бундан фойдаланган Ўлмас ўзини четга олиб Қўчқорнинг иягига зарб блан жуда қаттиқ урди. Қўчқор йиқилди. Залда гуруллаб «ура!» ва қийқириқлар кўтарилди.

Ўлмас ҳансираб, арқонга суянди. Уқитучи Қўчқорнинг тепасига келиб санайбошлади. Саноқ олтига етганда Қўчқор жойидан қўзғалиб турабошлади. Уқитучи соатига қараб танаффус эълон қилди.

Ҳаяжон блан кузатиб турган Қўчқорнинг онаси ўрнидан икки-уч марта қўзғалиб қўйди. Ҳозир худди саҳнага


югуриб чиқиб ўғлининг юзларидан силагуси, қучоқлаб ўпгуси келарди. Олияхоланинг юраги эса гўё ўғлини узоқ йиллар кўрмаган кишидек Ўлмас томон талпинарди. «Яша, арслоним» деб тўйиб-тўйиб ўпгуси келарди. У ҳеч-вақт шунчалик хурсанд бўлган эмас эди. Олияхоланинг кўзига ҳозир Ўлмас шердек чаққон, баққувват йигит бўлиб кўринар эди.


Танаффус тугади. Кураш яна э'лон қилинди. Ўлмас биринчи бўлиб дадил ўртага келди. Унинг бокс перчатка-ни ҳужумга тайёрлаб, тетик ва шижоат блан туриши «бир зарба блан ғалабани қўлга оламан» деганга ўхшар эди.

Қўчқор ҳам аста ўрнидан турди, У жуда бўш ва руҳсиз кўринар эди. Қўчқор кутилмаганда Ўлмасга яқин келиб, унинг қўлини ушлади-да, нима деярини билмай ўйланиб қолди. У залдагиларга бир лаҳза сўзсиз қараб тургач:

— Мен енгилдим. Дўстим Ўлмасга раҳмат айтаман!— деди.

Залда бирдан қарсак кўтарилди. Ўлмас Қўчқорни қучоқлаб ўпди. Гул ушлаган бирнеча бола саҳнага қараб югуришди.





«ЛОЧИН»

(Воқийий ҳикоя)

Назар тол чивигидан тўқилган саватчасини кўтариб ўрмонга етганда, қарағай дарахлари учида қуёшнинг дастлабки нурлари кўринди. У, теварак-атрофига аланглаганича, гоҳ жадал қадам ташлаб, гоҳ югуриб борар эди.

Ўрмон жимжит. Тинчлик пайтларида уёқдан-буёққа учиб, сайрашиб юрадиган қушлар ҳам, оёқ остидан партиялаб чиқиб қочадиган қуёнлар ҳам кўринмайди. Гўё ўрмон уйқуда. Назар паналаб кетиш хаёлида, суви қуриган анҳор ичига тушиб йўл олди: у, теварак-атрофни кузатиб, жуда эҳтиётлик билан борар эди. Унинг кўзи бирдан анҳор четида икки букилиб ётган немис офицери кийимидаги одамга тушди. Назар чўчиб тўхтади. У қўрқиб орқасига қайтмоқчи бўлди-ю, кейин бу фикридан қайтди. Қўйнидаги пичоғига бир қараб қўйиб, нома'лум кишига яқинлашди.

— Жаноби офицер!

Нома'лум киши чўчиб бошини кўтарди-да, Назарни кўргач сал тинчланди ва унга тикилиб, бошдан-оёқ кўздан кечирди. Назарнинг пойафзалсиз юриб, тилиниб кетган оёқларига разм солгандан кейин русчалаб сўради:

— Сен кимсан?

Назар унинг рус тилида яхши гапираётганини кўриб, дадил яқинлашиб борди.

— Шу қишлоқли бўламан.

— Уйинг қаерда?

— Ана, уерда, яқин.

— Бунда нима қилиб юрибсан?— сўради у киши, Назарнинг тўзғиб кетган қора сочи ва ўткир қопқора кўзларига боқиб.

— Маймунжон тергани келдим.

— Ота-онанг борми?

— Отам бор, буерда эмас.

У киши ўнг қўли блан қоринни маҳкам босиб, секин гавдасини кўтарди-да:

— Қани, берироқ ўтир-чи,— деб Назарга ёнидан жой кўрсатди.

Назар ҳадиксираб уч метрча нарида тиз чўкди.

— Нимага бу ерда ётибсиз, амаки?

— Чарчадим. Сен отангни қачондан буён кўрганинг йўқ?

— Икки йилдан ошди.

— Хат оласанми?

— Қаёқда дейсиз.

— Шундайми, исминг нима?

— Коля.

— Ҳа, ҳа. Коля, эҳтимол сен биларсан, немисларнинг штаби яқинми?

— Яқин, амаки, милтиқ овози шуерга эшитилиб туради.

— Партизанлар-чи?

— Уларми? Уларни мен унча билмайман.

— Ҳа, майли. Коля, сен мендан кўрқма.

— Сиз қаёқдан келаяпсиз?

— Немислар қўлида асир эдим, қочдим.

— Бу кийимни қаердан олдингиз?

— Бир немис офицерники. У мотоциклда келар эди. Мен дарахт орқасида пойлаб, уни уриб йиқитдим. Бу кийим ўшаники. Уч кечадан бери йўл босаман. Очликдан юришга мадорим қолмади.

Назар саватидаги Микола берган икки бурда нён блан Сашанинг онаси берган шишадаги сутини дарров олиб, у кишига узатди.

— Манг, амаки, енг.

Бегона киши хурсанд бўлиб, қўлини чўзди-ю ўйлаб қолди.

— Ўзинг-чи, нима ейсан?

— Менинг қорним тўқ, олаверинг, амаки.

— Раҳмат, жияним, раҳмат!

— Сизнинг отингиз нима, амаки?

— Отим Эрали,— нон чайнаб туриб жавоб берди у.— Коля, мени партизанлар ёнига бошлаб борасанми?

Назар бироз ўйланиб тургандан кейин, теварак-атрофга аланглаб:

— Бошлаб бораман!— деди,— амаки, сиз овқатланиб туринг, мен атрофни бир қараб келай, тагин фашистлар...

Эрали Назарнинг ҳуш'ёрлигидан завқланиб, жилмайиб қўйди. У, Назарнинг учраб қолганидан чексиз қувонар ва унинг дов'юраклигига қойил қолар эди.

Эрали энди овқатланиб бўладиган пайтда, Назар ҳам қайтиб келди ва Эралини анҳор ичи блан бошлаб кетди. Улар оёқ учида қадам ташлаб, сал вақт ичида бир километрдан ортиқ йўл босдилар.

— Энди-чи, амаки, анҳордан чиқамиз,— деди Назар катта қарағай олдида тўхтаб.— Мендан кейинда қорама-қора юрасиз, хўпми? Немислар бу ерда дайдиб юришади, кўриб қолишмасин тагин. Агар немислар чиқиб қолгундай бўлса, мен «Вой илон» деб бақираман. Шунда сиз дарров яширининг, хўпми? Улар кетгач, ашула айтаман. Шунда сиз чиқасиз.

— Отанга раҳмат, қани бошла!

Ўрмонда оғир жимлик ҳукм сурмоқда. Улар, ҳарбир шитирлаган овозга қулоқ солиб, жуда эҳтиётлик блан юрдилар. Ўрмон ичи блан икки километрча йўл босганларидан кейин, Назар «энди қўрқманг» дегандек Эрали акага қараб жилмайди-да, у блан ёнма-ён кетди...

Назар чайлага кириши блан кичкина харита атрофида ўтирган икки кишини кўрди. Уларнинг бири:

— Эҳе, лочиним!... Кел-кел!...— деб ўрнидан турди.

У, Назарнинг қопқора сочини силаб:

— Ўртоқ майор!— деди харита олдидаги кишига мурожаат қилиб,— Бу бола кеча сизга сўзламоқчи бўлган қаҳрамоним Коля бўлади.

Майор, Назардан кўзини узмай, ўрнидан туриб унинг ёнига келди ва елкасига астагина қўлини қўйиб:

— Йигитча, ёшинг нечада?— деб сўради.

— Яна икки ойдан кейин ўн иккига кираман.

— Немис-фашистлар сени излашиб юришганини биласанми?

— Ҳа, биламан.

— Қўлга тушиб қолсанг... қўрқмайсанми?

— Мен пионерман! Улар онамни осдилару...

Назар кўзига ёш олиб, ғазаб блан ерга боқди. Жимлик чўкди. Майор бир дам ерга тикилиб тургач, бошини кўтариб, Назарнинг пешонасини силади.

— Нима учун?— сўради майор.

— Бир ярадор аскарни уйимизда сақлаганимиз учун.

Партизан отрядининг командири сўзга аралашди.

— У душмандан боплаб қасос олаяпти, ўртоқ майор.

Коля кундузи маймунжон териб, немисларга сотиш баҳонасида талай сирларини билиб олади. Немислар эса, Николай номли болани қидиришяпти. Колянинг метрикасида Назар деб ёзилган. Қишлоқдагилар эса уни гоҳ— Назар, гоҳ Коля деб аташади. Биз эса «Лочин» деб ном қўйганмиз. У бундан икки ой бурун ўрмонда адашиб қолган икки немис солдатини алдаб, олдимизга бошлаб келди. Саша ва Микола деган иккита ўртоғи блан немис комендатура биносини портлатишда бизга катта ёрдам кўрсатди. Кўп немисе ўлди. Полковник Шульц оғир ярадор бўлди.

Командир ҳикоясини тугатгач, майор Назарни бағрига босди.

— Балли Лочин! Пионер шундай бўлиши керак!— деди у ва бироз ўйланиб тургандан кейин командирдан сўради:

— Антон Кузьмич, бу қорақош, қорақўз Лочиниягиз мени ҳайрон қилиб қўйди. Унинг миллати нима бўлса?

— Ўзбек, хўш?

— Нима, нима, ўзбек боласи?.. Ажаб, бу ерга у қандай қилиб келиб қолипти?

— Бунинг тарихи жуда қизиқ, ўртоқ майор. Колянинг отаси менинг ёшликдан бирга ўсган дўстим. У асли Ўзбекистоннинг Жиззах шаҳридан,— деб давом этди Антон Кузьмич,— 1916 йилда подшо ҳукумати мардикорга олиш ҳақида буйруқ чиқарган. Жиззах шаҳрининг меҳнаткашлари бунга қарши қўзғолон кўтаришгилар. Колянинг буvasи ва у блан кичик бир корхонада бирга ишловчи Сергей деган дўсти ҳам қўзғолонда иштирок этишгилар. Лекин подшо ҳукуматининг жазо отряди етиб келиб, қўзғолонни аёвсиз бостирипти, қўзғолончиларнинг бир талайини тутиб отипти, кўпларни сургун қилипти. Колянинг буvasи қўзғолонда ҳалок бўлипти. Унинг хотини бўлмагани сабабли, Шерали деган олти ёшли ва Эрали деган тўққиз ёшли икки ўғли боқимсиз қолипти. Сергей амаки Жиззахдан қочаётиб дўстининг иккала ўғлини ўзи блан олиб кетмоқчи бўлганида, ўша куни Эралини топа олмай, фақат Шералини олиб кетипти. Шерали Сергей амаки тарбиясида улғайиб инженер бўлиб етишади. Сўнг у Сергей амакининг Лида исмли қизига уйланади. Улардан мана шу Коля туғилган.

— Сергей амаки ҳаётми?— Шошилиб сўради майор.

— Сергей амакини ҳам, Колянинг онаси Лидани ҳам аблаҳ фашист босқинчилар осиб ўлдиришди. Фақат Сергей амакининг хотини тирик қолди.

— Жаллодлар!— деди майор ғазаб блан. Орани жимлик қоплади.

Бир лаҳзадан кейин майор яна сўз бошлади:— Демак, кампир қолган? Жуда қизик тасодир! Демак, Колянинг отаси ўзбек, онаси рус. Коля, қани айт-чи, фамилиянг нима?—

— Қорахонов.

— Тўхта, тўхта! Отанг танкистми?

— Ҳа, отамни биласизми, амаки?

— Биламан. У— капитан. Фашист босқинчиларнинг бошлаб адабини бераяпти. Яқинда отанг буерга келиб қолса ҳам ажаб эмас.

Отасининг саломатлигини эшитган Назарнинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди. У ҳозир қушдек учиб бориб бу хушхабарни бувисига етказишга ошиқар, бетоқатланар эди.

— Хўш, бугун қандай янги гап топиб келдинг?— сўради партизанлар командири.

— Кеча мен немис капитани Шумахернинг уйига маймунжон олиб борган эдим,— гап бошлади Назар,— капитаннинг хотини хафа ўтирган экан. У блан анча гаплашдим. Унинг сўзидан, эртага эрталаб немисларнинг бизга ҳужум қилмоқчи бўлганларини фаҳмладим. Шумахер командирлик қилар экан.

— Улар неча кундан буён бизга қарши ҳужумга тайёргарлик кўришаяпти,— деди Антон Кузьмич,— немислар кўп деганда олти-етти юз киши юбориши мумкин. Лекин танкларини ишга солса, отрядимиз хавф остида қолади. Улар бизни нариги ўрмонда деб ўйлашади. Шунинг учун, қандай бўлмасин, немисларнинг биринчи қисми ўтиб олгандан кейин, кўприкни портлатиш шарт. Аммо, бу анча мушкул иш. Кўприкда немис соқчилари турипти...

* * *

Назар дар'ё ёқасига келганида қуёш эндигина чиқа бошлаган эди. Назар, мева териш баҳонасида саватчаси-

ни кўтариб, дар'ё ёқалаб бораверди. Назарни кўрган немис соқчиси имлаб уни чақирди:

— Бунга сен нима қилди?— русчалаб сўради, дудуқланиб у.

— Мева териб юрибман.

— Бер, меники ейди! Яна келса отаман.

Немис саватни тортиб олди. Назар эса ундан кўрққан-дек орқасига қараб-қараб, ўрмонга қочиб кетди.

Немис саватни олдига қўйди-да, шошиб-пишиб маймунжонни еябошлади. Шу чоғ хашаклар орасидан бир зумда икки партизан чопиб чиқишди. Уларнинг бири немисга ханжар уриб ўлдирди-да, унинг кийимини ечиб, ўзи кийди ва кўприк ёнига бориб, қоровулликда турди. Иккинчиси кўприк остига кириб мина жойлади. Сўнгра, бир четга бориб беркиниб ётди.

Ўрмондан чиққан партизанлар кўприкнинг икки ёнини қуршаб, дар'ё ёқасидаги хашаклар ичига кириб яшириндилар. Сал ўтмай, узоқдан одам тўла немис юк машиналари кўринди. Бирдан икки машина кўприк ўртасига келганда, кўприк портлаб иккига бўлинди. Машиналар дар'ёга қулади. Партизанлар автомат ва пулемётлардан немислар устига дўлдек ўқ ёғдиришди. Қутилмаган зарбадан гангиб қолган немислар тумтарақай қочабошладилар.

* * *

...Миколанинг онаси ҳовлиққанича кўчадан келди-да, ўпкасини босолмай:

— Микола, Микола!.. Немислар анови, ҳалиги, ўртоғинг Қоляни ҳайдаб кетаяпти!— деди титроқ овоз блан.

Иккала бола дарвоза олдига чопиб келиб, эшик тирқишидан кўчага тикилишди. Миколанинг онаси икки бурда нон кўтариб, кўчага югурди. Кампир Назарга яқинлашганда, орқада келаётган немис солдати автомат қўндоғи блан кампирни қаттиқ туртиб юборди. Кампир ёнбоши блан тупроққа йиқилди.

Шу пайт ўзини қўчага отмоқчи бўлган Миколани Саша белидан маҳкам қучоқлаб, тутиб қолди.

— Жинни бўлдингми? Сени ҳам ҳайдаб кетсинми? Қўлингдан нима келади? Қайта, дарров бориб партизанларга хабар берайлик!

Назар ғазаб блан орқасидаги немис солдатига ўқрайди-да, кампирга:

— Онажон, қорним тўқ, ташвишланманг!— деди.

Назарни штабга ҳайдаб келишди. У, кабинетга кириши блан, бир қўлини оқ дока блан бўйнига осиб олган немис полковнигини кўрди. Полковник немис қоровулига чиқиб кетишга ишора қилгач, Назарга яқин келиб:

— Қани, ўтир-чи, маймунжонфуруш!— деди.

Назар ўзини тутиб олди. Полковник Назарнинг елкасига қўлини қўйиб, унинг тупроққа буланган тўзғоқ сочига қараб, юзини буриштирди-да, қўлини тортди.

— Биз сени немислар учун анча хизмат қилаоладиган ақлли бола деб юрсак, сен кейинги кунларда айниб кетибсан-ку! Қаердаги бебошларнинг сўзига алданиб юрган эмишсан. Қани, айт-чи, шу ишинг ростми?—сўради полковник айёрлик блан.

Назар ерга қараганича тишини-тишига қўйиб жим турар эди.

— Агар сен,— деб давом этди полковник,— гап ўргатучиларни айтиб берсанг, мен сени ўзимга ўғил қилиб оламан. Истаганингча кийинасан, истаганингча ейсан. Мана, машина ҳам бор, келишган от ҳам олиб бераман. Маза қилиб ўйнайсан. Яқинда уруш тўхтайдди. Ўқийсан. Агар ўжарлик қилсанг, тириклайин ўтда ёнасан. Қани гапир! Кўприкни ким портлатди? Қоровулни ким ўлдирди?

— Гапир, нега индамайсан?

— Жаноби полковник, мен билмайман буни.

Полковник чўнтагидан гулдор кумуш порцигарини чиқариб, папиросини тутатди-да:

— Қани, гапир,— деди.
— Рост, билмайман, жаноби полковник.
— Бўлмаса дар'ё бўйида нима қилиб юрган эдинг?
— Мева териб...
— Ҳа, ҳа. Кўприкка ҳам мева экиб қўйиптимми?
— ...
— Бундан бир ой илгари штаб биносига ким бомба ташлади?

— Билмадим...

— Билмайсанми? Тўғриси айтмайсанми?

Полковник Назарнинг юзига тарсаки блан тортиб юборди. Назарнинг боши деворга қаттиқ урилди. Рангги ўчиб кетди. Полковник кабинетнинг у бошидан бу бошига тез-тез юриб, Назарга ўқрайиб қаради.

— Гапир дейман!

Полковник Назарнинг елкасига, болға ургандек, мушт туширди. Назар полга ағдарилди ва бирнеча минут қимирламай ётди. Полковник унинг елкасидан тортиб турғизди. Назар маст кишидек гандираклар эди. Полковник газаб блан ёнидан наганини чиқариб, Назарга ўқталганича бирнеча минут сақрайиб тураверди.

— Сен, бола,— деди у, гўё меҳрибонлик қилгандек,— ўжарлик қилиб, ўзингни-ўзинг ўлимга тутиб бераясан! Айтсанг гуноҳингни кечаман.

Полковник наганини чўнтагига солди-да, стол устидаги винодан қуйиб устма-уст икки марта шимирди, сўнг у энгашиб ёзув столининг пастки тортмасидан нимадир қидирабошлади.

Назар ўзини тутиб олди. Энди у полковникка бир оғиз ҳам жавоб беришни истамас, ҳатто баданини тилиб туз сепса ҳам гапиришни хоҳламас эди. Лекин Назар полковникнинг ҳозир нима қидираётганини билмай, ўйлаб қолди. Балки у ҳозир пичоқ олиб Назарнинг қулоқ-бурнини кесиб ташлар. Балки товонийи тилиб туз сепар. ... Сўнгга Назарнинг онасини оскандек, унинг ўзини ҳам

қишлоқ мактаби ёнига қурилган дорларнинг бирига осиб қўяр...

Назарнинг бадани жимирилашиб кетди. Қўзига қон тўлди, юраги дукиллаб урабошлади, лаблари пирпираб учди. Унинг ёдига отаси тушди. «Қаҳрамон йигит ўлимдан қўрқмайди!» деган эмасмиди у? «Майли, ўлдирса ҳам жавоб бермайман!» деди Назар ўз-ўзига.

Бирдан Назарнинг кўзи стол устида турган виноли шишага тушди. У, полковникнинг энгашганича стол тортмасидан алланима ахтараётганидан фойдаланиб, секингина стол ёнига яқин келиб шишани олди. У, тишини-тишига қаттиқ босиб, аста полковникка яқинлашди-да, қулочкашлаб, жон-жаҳди блан унинг тепакалига туширди. Полковник, қон отилиб чиқаётган сийқа бошини чангаллаганича бир кўтарилди-ю, кейин аста стол устига йиқилди.

Назар шу пайтдан фойдаланиб, ўзини очиқ деразадан шартта ҳовлига отди, қушдек учиб зимистон тун қўйнига шўнғиди-да, Сир зумда кўздан ғойиб бўлди...

* * *

Партизанлар Украинанинг Н. районини немис-фашистлардан озод қилдилар. Харобазорга, айланган жимжит кўчаларда яна ҳаёт пайдо бўлди. Немис-фашистлар келиши блан уйларида ғойиб бўлган одамлар ўрмон ва чакалакзорлардан бирин-кетин чиқиб келабошлади. Немислар дастидан ертўла ва одам топмас горлар ичида қафасдаги қушлардек диққи-нафас бўлган болалар кўчаларда яйрашиб, чопишабошлади...

Майор блан Эрали оғир ярадор капитанни замбилга солиб, беозоргина машинадан туширишди ва палатага олиб киришди. Диванга ётқизилган капитанни икки ҳамшира ечинтирабошлади. Врач эса унинг ҳали қон тўхтамаган чап елкасини боғлади. Эрали, ярадорнинг этик қўнжини пичоқ блан тилиб, этигини ечиб олди. У ўнг

оёқдаги пайтавани бўшатар экан, бирдан оёқ бетигаги катта қора холга тикилиб қолди.

— Хўш, лейтенант, нимага маҳлиё бўлиб қолдингиз?— ундан сўради майор.

Эрали ялт этиб майорга қаради-да, ҳаяжон блан:

— Ўртоқ майор, капитаннинг исми ва фамилияси нима? деб сўради.

— Биз Саша Қорахонов, деб атаймиз. Аммо паспорт-ида Шерали Қорахонов ёзилган. Танидингизми?

— Танидим, ўртоқ майор! Бу менинг укам!— деди қувонч блан у.

— Ие, қандай қилиб сизнинг укангиз бўлиши мумкин?

Капитаннинг ярасини боғлаётган врач уни ёнбошлатишни сўради.

— Яраси хавфли эмас. Лекин қон кўп кетипти. Шунинг учун капитан ўзини анча ёмон сезаяпти,— деди врач.

— Балки қон қуйиш лозимдир? Керак бўлса, менинг қонимдан олинг,— деди Эрали.

— Албатта, қон қуйилса яхши бўлади.

— Йўқ, ҳали сиз яхши тузалиб етган эмассиз. Қон олиш ёмон та'сир этиши мумкин,— деди Эралига қараб майор.— Менинг қоним Сашанинг қони блан бир гурупадан. Шунинг учун меникидан қуйилгани дуруст.

Улар касалхона боғчасига чиқиб, скамейкага ўтиришди.

— Воқиа бундай бўлган эди,— деб гап бошлади Эрали — 1916 йида Жиззахда...

— Бўлди, бўлди, тўхтанг! Отангиз қўзғолойда ўлган. Укангизни Сергей амаки олиб кетган. Шундай эмасми?

— Жуда тўғри. Қаердан биласиз?


— Биламан, демак Коля сизнинг жиянингиз бўлади.

— Ростми? Шералининг ўғлими у?

— Худди шундай. Нега сизнинг фамилиянгиз бошқача?

— Мен отамнинг исмини фамилия қилганман. Укам
эса, отам фамилиясини юритар экан.

Шу маҳал, кутилмаганда кўчадан Назар чопиб келди.
Эрали ирғиб ўрнидан турди-да, Назарни бағрига босди...





ЧОТҚОЛ ТОҒЛАРИДА

(Саёҳат ёндафтаридан)

Сафар

Яхшиям Қлава келиб қолди. Бўлмаса Шомил блан Александрнинг можароси сафар қувончига футур етказар эди! Улар шундай қизишиб кетишган эдики, Радик блан Сами ўртага тушса ҳам бўлмай, бири иккинчисидан баланд келиб ўз сўзларини ма'қуллашарди.

Александр «Мард майдонда билинади, кўп чиранма!» деса, Шомил: Катта кетиб, футболда ютқизганинг эсингдами? Саёҳатчи саёҳатда синалади, дар'ё кечиб, довод ошганингда гаплашаман, дер эди.

— Бу галги саёҳат пионерлар учун катта синов,— деди пионер вожатий Қлава Смирнова,— шунинг учун ҳарким ўйлаб йўлга тушсин!

Орқасига йўл анжомларини боғлаб олган пионерлар чурқ этмади. Смирнова блан тарбиячи Ҳайитов болаларга бир четдан кўз югуртириб чиқишди. Пионерлар:

«Ҳарқандай қийинчиликка бардош берамиз!» дегандай шайланиб туришар эди. Сафдаги калта қора шим ва бир хилда оқ жўйлак кийган ўттиз икки пионернинг ҳарбири бу кунги сафарга уч-тўрт ойдан буён ҳозирлик кўра-кўра, аранг эришди. Наҳотки, йўл азобидан чўчиб бирор киши «мен бормайман» деб айтса?

— Клава опа!— деди Ма'рифат Қаримова орадаги жимликни бузиб,— йўл қийинчиликлари бизнинг шахтанимизни қайтаролмайди, хотиржам бўлаверинг!

Бу гап бошқаларга ҳам ёқиб тушди шекилли, ҳамма баравар қарсак чалиб юборди. Шомил блан Александр бир-бирига еростидан қарашиб, сирли кўз уриштириб олишди.

Синов

Поезд Барраж станциясига эрталаб соат ўнда етиб келди. Саёҳатчилар ноништадан кейин Чотқол тоғи томон яёв йўлга тушдилар. Олдинда кетаётган Шомил Насриддинов: «Сен блан мана энди юришиб кўрамиз» дегандай, орқадаги Александрга қараб қўйди. Александр мийиғида кулиб ерга қаради. Унинг жилмайишидан гўё «Кўп катта кетма, ҳали олдинда тоғлар, дала ва қирлар турипти, ўртоқ» деган ма'но сезилиб турар эди.

Болалар икки соат ичида жуда дадиллик блан ўн километрдан ортиқ йўл босишди. Тушдан кейин қуёшнинг ўткир нурлари худди нинадек санчилабошлади. Ба'зи болаларнинг ҳаммаёғидан тер оқиб тушар, ба'зилар орқада қолар эди. Александр блан Шомил эса сир бой бермай, шахдам қадам ташлаб борар, салгина бўлса ҳам сафни бузмасликка интилиб, биртекисда кетишар эди. Ҳатто кичкина опа-сингил Ольга блан Ниналар ҳам зўр жасорат блан қадам ташлар эдилар.

— Орқада қолинмасин, етиб олинглар! — деди Клава.

Анча йўл босганларидан кейин, Бўрибой блан Александр чарчайбошлади. Улар бу ҳолни ҳарқанча яшириш-



та ҳаракат қилсалар ҳам, оёқларининг оғирлашиб, юзларининг терга пишиб бориши сирни очиб қўяр эди. Уларнинг спортчи бўлмагани шуерда билиниб қолди. Александр блан Бўрибой кўп вақт эриниб, эрталабки зарядкага ҳам чиқмас, югуриш машғулотларига унча қизиқиб қатнашмас эдилар. Улар бундан кейин физкультура машғулотларига актив қатнашиб, походларда доим иштирок этишга қат'ий аҳд қилдилар.

Шомил — энг яхши спортчи. Сакраш, сузиш, ҳатто боксда ҳам унга унча-мунча киши тенг келаолмайди. Александр Шомилга қаради. Шомилнинг кун тигида анордек қизарган юзи жуда тетик эди. У худди ойлаб йўл босишга тайёр турган саёҳатчига ўхшаб, ҳечнарсани назар-писанд қилмай борар эди. Александр Шомилнинг шахдам-шахдам қадам ташлаб бораётганини кўриб завқланди.

Болалар муйилишга етишганида кўчанинг икки юзидаги бир қаватли қатор оқ уйлар ва олма, анор, узум, анжир дарахтларидан иборат кичкина боғлар тугади. Унг томонда кўмкўк барра ўтлар, хилма-хил гулларга кўмилган адир бошланди. Тепаси осмонга туташиб кетган тоғнинг ёнбағрида беҳисоб қўй-эчкилар ўтлаб юришипти.

Йўлнинг чап томони сойлик. Сойда ирғай дарахтлари блан шохини ерга эккан мажнун толлар ва онда-сонда тераклар кўринади. Сой ўртасидан оқаётган тиниқ сув қуёш нурида гўё ойнадек ялтирамоқда.

Йўл тобора юқори чиқаяпти. Болалар, терга бэгиб кетишаётганларига қарамай, анча тетикланиб қолишди. Хушманзарали сой, гулларга кўмилган адир ва жилғалар болаларнинг кучига куч қўшгандек бўлди. Улар гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга боқиб олдинга интилар эдилар.

Хўжакентда

Саёҳатчилар йигирма беш километр йўл босиб, кечқурун Хўжакент қишлоғига етиб келишди. Қишлоқ уч томони

Чотқол тоғлари блан, бир томони сердароҳт кўкаламзор боғлар ва сой блан ўралган баҳаво жойда экан. Айниқса икки тоғ орасидан чиқиб, қишлоқнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтадиган зилол сувли тезоқар анҳор жуда ҳам гўзал кўринади. Бу анҳорнинг соҳиллари тоғдан то сойликларгача арча, қарағай, ирғай, қайрағоч ва бошқа дарахтлар блан қопланган.

Саёҳатчилар анҳорда ювиниб, теварак-атрофни бироз тамоша қилишганларидан кейин клубга йиғилишди. Тошкентдан «артистлар» келишипти, деб атрофдаги колхозчилар бирин-кетин қишлоқ советининг клубига йиғила бошладилар.

— Ййе, ўқучилар экан-ку?— деди бир колхозчи саҳнага чиқиб келган пионер конференсьега тикилиб.

— Тошкент қишлоқ район иккинчи болалар уйи ҳаваскорлари томонидан бериладиган концертимизни бошлаймиз!— деди конференсье.

Ёш сан'атчилар «Ўзбекистоннинг 25 йиллиги шарафига» деб тайёрлаган адабий-музикали монтажни ижро эта бошладилар. Бурибой Иноятовнинг «Қуёшчалар ше'ри» декламацияси, Ма'рифат Қаримованинг «Кичик пахтакор» деган ёқимли ашула ва рақслари кўпчиликнинг ҳурмати-га сазовар бўлди. Бир вақт саҳнага опа-сингил Ольга ва Нина Насриддиновалар чиқиб келишди. Уларнинг енгил қадам ташлашлари кичик ва нозик қоматларига жуда ярашиб турарди. Тамошабинлар опа-сингилни диққат блан кузатиб туришди. Икки қиз музиканинг шўх куйларига мос ҳаракат қилиб ўйнайкетди. Улар исте'додли ёш раққосагина бўлиб қолмай, ажойиб хушовозга ҳам эга эдилар. Опа-сингил тўхтовсиз олқишлар остида қайта-қайта саҳнага чиқиб «Пахта» ва бошқа лаяларларини ижро этишди.

Концерт тамом бўлгандан кейин Хўжакент қишлоқ советининг раиси ўртоқ Инкоров саҳнага чиқиб кўпчилик номидан болаларга ташаккур билдирди.

Болалар эрталаб узундан-узуи чўзилган арқонга тутинганларича, турна қатор тизилишиб тоққа чиқабошладилар. Йўл бошловчи орқасидан кетаётган Шомил ўнг томонидаги ғорни кўриб тўхтади.

— Бу ғорда нима бор, амаки? — деб сўради у, йўл бошловчи колхозчидан.

— Ким тушиб кўрипти дейсан, ўғлим.— Жавоб берди қора мўйлов, қизил юзли колхозчи.

— Жуда чуқурми?

— Ҳа, таги кўринмайди.

Болалар ғорнинг лабига бориб пастга тикилишди. Ҳақиқатан ҳам ҳечнарсa кўринмас эди.

— Тушиб кўрмаймизми?— деди Шомил ўртоқларига разм солиб.

Ҳечким индамади.

— Бўлмаса, ўзим тушаман!— деди-да Шомил белига арқон боғлади. Ҳамма жим унга тикилиб турар эди.

— Майли, текшириб кўриш керак!— деди вожатий.— Яна ким тушишни истайди?

Шомил ялт этиб Александрга қаради.

— Мен тушаман!— деди Александр лўндағина қилиб. Шомил ханжарини камарига қистириб олгандан кейин, арқонга осилиб тушабошлади. Унинг кетидан Александр ҳам тушиб кетди. Улар пастга тушганда ғор худди зимистонга ўхшар эди. Шомилнинг ҳам юраги шув этиб кетди. Лекий «қўрқоқ» деган номни олмаслик учун дамини чиқармай атрофни кузатабошлади. Орадан кўп ўтмай ғор ичи аста-секин ёришабошлади.

Икки ўртоқ жовдираб атрофни кузатабошлади. Ғор анча кенг эди. Улар ўнг томонга бироз юрганларидан кейин, бир четда ётган кўмир майдаларини кўришди.

— Бу ерга одам келган экан,— деди Шомил бир чалани қўлига олиб,— буни кўр, орадан анча йиллар ўтганга ўхшайди.

Улар илгари юришиб, ғорни диққат блан кўздан кечи-
рабошладилар. Бирдан Шомилнинг кўзи баланд тошга
ўйилган ёзувга тушди. У яқин бориб «Ҳақиқат ғалаба
қилади» деган сўзларни ўқиди.

— Вой, илон! — қичқириб юборди Александр тўсат-
ган. Товушининг акс садоси ҳаммаёқда қаттиқ жаранг-
лади. Қўрқинчли қичқириқни юқоридаги болалар ҳам
эшитиб, ваҳимага тушишди. Ҳамма шошилиб настга
энгашди. Ғорда ҳечнарсa кўринмас эди.

— Қизим,— деди йўлбошловчи, Қлавага яқин келиб,—
бу ғор сирли ғор, заҳарли илонлар болаларга шикаст
етказиб қўймасин, тагин!..

— У-ҳў!— деди Шомил кулча бўлиб ётган йўғон бош-
ли илонга тикилиб.— Бу заҳарли илон-ку! Хужум қилмас-
микин?

— Ундан олдин биз унга хужум қилайлик, шошма,
оғайни, миямга бир фикр келди,— деди Александр илон-
га тез-тез кўз ташлаб, илонни тириклайин ушлаб юқорига
олиб чиқсак, нима дейсан?

— Сoз бўладику! Қандай қилиб тирик ушлаш мум-
кин?

Александр бир лаҳза ўйланиб тургач, қўйин чўнтаги-
дан ип олабошлади.

— Қлава опанинг «йўлда ипдан пинагача ҳамма нар-
са керак бўлади» деган гапни тўғри чиқди. Мана, эҳтиёт-
дан чўнтакка солиб қўйган ипим ҳам ҳозир қўл келади-
ган бўлди.

— Илон қўймидики, ипинг блан бўйнидан бойлаб ол-
санг,— деди Шомил кулиб.

— Ҳе, ҳе, шошмайтур ҳали, қўй ҳам гапми, илонингни
маймун қилиб ўйнатмасам, юрган эканман!

— Ҳей!— деди Шомил ҳайрон бўлиб.— Бунақа пайтда
ўйлаб иш қилиш керак, бўлмаса ўзимизни чақиб қўяди-я!
Илон блан ўйнашиб бўладими?! Нима қилмоқчисан?

— Айтдим-ку, бўйнидан боғлаб, маймун қиламан!
Қўрқма, сен ана у харсанг тош устига чиқиб илонни ўзинг-

га жалб қилиб турасан, мен орқасидан бориб бўйнига сиртмоқ соламан, тушундингми?

— Сиртмоғинг бўйнига тушмай, илон ўзинга ташланса-чи? Унда нима қиласан?

— Ташланмайди! Мабодо ташланадиган бўлса, икки кишимизку. Сен ханжаринг блан миясига бир санчисанг, масала ҳал бўлади.

— Бўпти, кўрсат ҳунарингни!

Александр бир қулоч ёғоч учига ип боғлаб, сиртмоқ ясади. Кейин нарироқ томондан айланиб, илоннинг орқасига ўтди. Шомил, харсангтош устига чиқиб, илонга ёғоч ўхталди. Илон Шомилни кўриши блан худди унга ташланадигандек икки қаричга яқин тикланди. Шомил ханжарини ўнг қўлига олди. Илон аввалгидан ҳам баландроқ тикланабошлади. Шу чоғ Александр илонга секин яқинлашди-да, таёғини чўзиб, капалак тутгандек, сиртмоқ ташлаб илонни ўзига шарт тортиб олди. Кейин икки-уч айлантриб ерга урди. Илон гангиб қолди.

— Яша! — деди Шомил Александрдан хурсанд бўлиб.

Юқоридан «Шомил, ҳой Шомил!» деган овозлар эшитилди.

— Ҳалиги «илон» деган қичқиринг юқорига эшитилган бўлса керак, улар ховотирланишяпти,— деди Шомил. У икки қўлини оғзига кўвача қилиб: «Хотиржам!» деб қичқирди. Юқоридан қайта овоз келмади.

— Қани, кетдик!

Улар ип боғланган илонни осилтриб, орқага қайтишди...

Шалола

Саёҳатчилар кечга яқин Бурчмуллага етиб келишди. Унда кон ишчилари ва санаторияда даволанўчи кишиларга концерт қўйиб бердилар. Кундуз кунлари эса тоққа чиқиб тоғ гулларида, тоғдаги олча, нок, ёнғоқ, барбарис каби ёввойи мевалардан коллекция ва гербарийлар йиғдилар.

Болаларнинг бирдан-бир тилаги тоғ чўққисига чиқиш эди. Улар кун чиқмасданоқ йўлга тушдилар. Тоғнинг гўзал манзаралари, соф ҳаво завқ ва қувонч бахш этарди. Болалар арчалар оралаб тошдан-тошга сакраб баландликка интилишар эди. Юқорига чиқилган сари тошлар орасидан ўсиб чиққан гуллар, қуёш нурида хилма-хил товланиб турган тошлар, тоғ дарахтлари кўп учрайбошлади.

Болалар тоғнинг ярмига етганларида кўнгилсиз бир ҳодиса юз бераёзди. Тоққа чиқиш қанча кўнгилли бўлса, шунча хавфли ҳам саналади. Тоғ саёҳатларида кам бўлган ба'зи болалар бунга яхши тушунмаганликларидан, дуруст тайёрлик кўрмай йўлга тушадилар. Худди шу аҳвол Бўрибойда содир бўлди. Саёҳатчиларимиз ҳали болалар уйида эканларидаёқ тарбиячи Ҳайитов тоғ саёҳатига қандай тайёрланиш кераклигини қайта-қайта уқдирган эди. Лекин Бўрибой бунга яхши эътибор бермади. У таги резинка оёқ кийим кийиш ўрнига, чармли туфли кийган эди. Натижада чарм туфли тошдан сирғаниб, уни анча қийнаб қўйди. Бу ҳам майли-я, харсангдан ўтишда оёғи бирдан тойиб кетса бўладими! Пастга юмаланишга сал қолди. Хайриятки, олдиндагилар арқонни маҳкам ушлаб олишди. Агар бир ўзи бўлганда саёҳатнинг пачаваси чиқар эди. Қўрққанидан Бўрибойнинг ранги оқариб кетди. У туфлисини ечиб, оёқяланг бўлиб олди. Тошда оёқяланг юриш ўнғай бўлиптими? Икки юз метрча баландга чиқар-чиқмас, Бўрибойнинг оёғи безиллаб қолди. Энди унинг илгарига босиши қийин эди.

— Яхшиси, сен бизни шу ерда кут,— деди Ҳайитов,— бўлмаса оёғинг шилиниб кетади.

Бўрибой Ҳайитовнинг Тошкентда айтган гапларини эслаб қизарди ва ноилож кутишга рози бўлди. У тош устига ўтириб, тобора юқори чиқаётган ўртоқлари орқасидан қараб қолди.

— Мана шунақа бола ҳаммага иснод келтиради. Унинг кўрган одам «Тошкентдаги иккинчи болалар уйининг

«Ба'зи саёҳатчилари тоққа чиқаолмас экан!» деган фикрга желиши мумкин,— деди пионерлардан бири.

Бу гапга бошқа пионерлар э'тироз билдиришмади. Ба'зилар бош қимирлатиб қўяқолди, ба'зилар эса орқасига қайрилиб Бўрибойнинг ҳолига ачинишарди.

— Ие, ановини қаранглар!— деди Шомил худди чўчиб тушгандек. Ҳаммалари Шомил кўрсатган томонга қарашди.

— Уҳў, қандай гўзал манзара-я!

Баланд тоғдан катта ва узун шалола тушиб турипти. У қуёш нурида узоқдан худди ойнага ўхшаб ялтираб кўринарди. Ҳамма ундан кўзини узмай сўзсиз тикилиб қолди. Пионерлар шалола ёнига қандай бориш мумкинлигини ўйлар, тоғнинг нариги юзига ўтиш қийин ва хатарли бўлганидан бу ҳақда сўз очмай турар эдилар.

— Опа, бир илтимосим бор, айтайми?— деди Қлава-нинг ёнида турган Шомил.

— Хўш, нимайди?— Қлава унинг илтимосини пайқатгандек кулди.

— Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди, деган мақол бор,— деди Шомил. Агар биз қийинчиликлардан қўрқсак саёҳатга чиқмаган бўлар эдик, шалолага олиб боринг!

— Албатта ўтамиз! Шунча йўл босиб келиб, бундай гўзал жойни кўрмасдан кетсак бўладими? Лекин қандай қилиб ўнғай ва тез ўтишни ўйлаш керак,— деди Қлава.

* * *

Узун арқонга тизилган пионерлар тоғ бағирлаб йўлга тушдилар. Баланд-паст, силлиқ ва қиррали тошлардан ўтиш жуда мушкул бўлди. Бундай пайтда ҳарбир қадам ўйлаб, эҳтиётлик блан босилмаса, пастга юмалаб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун пионерлар бир-бирларига кўз-қулоқ бўлиб юришди. Арқоннинг бир учини ушлаган Қлава олдинда, иккинчи учини ушлаган Ҳайитов эса орқада пионерларни кузатиб боришди.

Жасур ёш сайёҳлар қийинчиликларни енгиб, тоғнинг нариги бетига ўтиб олдилар. Энди шалолага бориш керак. Пионерлар завқ блан илгарига юрдилар...

Йўлда бир бола тоғ ўсимлигидан топса, иккинчиси аллақандай тошни ҳаммага кўз-кўзлаб қичқирар, учинчи бири ҳашарот ёки тоғ ҳайвонларини кўриб бошқаларни чақирарди.

Болалар шалолага етишганларида, бир она кийим иккита боласини эргаштириб шалола тагидан чиқиб келар эди. Улар сув ичгани тушган бўлсалар керак. Кийиклар пионерларни кўриш блан тошдан-тошга сакраб, арчалар орасига кириб кетишди...

— Ҳай-ҳай, бунча ҳам гўзал жой экан!— деди шалола остига биринчи етиб борган Қлава.— Бунақа жойни биринчи кўришим-а!

— Мен ҳам бунақа жойни илгари ҳеч кўрган эмасман!

— Мен ҳам.

Шалоладан атрофга учаётган сув заррачалари худди осмондан зар сочилаётгандек кўзни қамаштирарди. Шалоланинг икки ёнидаги тошлар орасидан ўсиб чиққан майса ва қиёқлар кўмкўк яшнаб, соч толасидек осилиб турипти.

— Шу ерда тунасақ бўлмайдими-а?— сўради заррачаларга юзини тутиб, шалоладан кўзини узмай тамоша қилаётган Шомил.

— Тунасақ яхши бўлар эди-ю, уёқда Бўрибой кутиб турипти-ку.

Пионерлар шалола тагида куйманишиб қолишди. Ба'зилар шалола ва унинг атрофидаги арчаларнинг расмини чизиш, ба'зибирлар фотоаппарат блан ўртоқларини суратга олиш блан овора бўлди. Улар бир соатдан ошди вақт ўтганини сезмай ҳам қолишди.

— Қани, кетдик!— деди Ҳайитов.

— Бунча шошиласиз, яна бир дам ўтирайлик!—



ДУСТЛАР ҚУВОНЧИ

(Очерк)

Қаҳратон қиш. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Аччиқ изғирин юзларни яламоқда...

Эндигина ўқишдан чиққан Рустам блан Холбек қулоқчинларини маҳкам бостирганларича сумкаларини қўлтиқлаб, уйларига шошилиб кетишар эди. Улар муйилишдан ўтишлари блан тўхтаб қолишди.

...Сирпанчиқ йўлда аранг кетаётган бир кўр киши, оёғи тойиб, чалқанчасига ағдарилиб тушди, ҳассаси бир-неча метр жойга отилиб кетди. Кўр киши аранг ўрнидан қўзғалди-да, атрофидаги қорни пийпаслаб ҳассасини қидирабошлади.

— Ҳассасини келтириб берайлик,— деди Холбек ўртоғига.

— Тўхта-чи, топа олармикан?— Рустам Холбекнинг қўлидан тортди.

— Жуда ғалатисан-а? Қўлингни бир дам қорга тиқиб кўр-чи? У бечоранинг қўли музлаб кетди-ку?

Холбек ҳасса томон югуриб кетди. Болалар товушини эшитган кўр киши совуққа қотган икки қўлини қўйнига тиқиб, овоз келган томонга термулди.

— Мана ҳассангиз, туринг,— деди кўр кишининг қўлтигидан кўтариб Холбек,— қаерга борасиз, амаки?

— Мактабга бораман, раҳмат ука! Бу кўчани яхши билмас эдим, адашиб қолдим.

— Рустам, юр, обориб қўямиз,— деди Холбек.

— Раҳмат сизларга! Катта кўчага чиқариб қўйсанглар бас, ўзим топиб кетарман,— деди кўр киши.

— Майли, мен кузатиб қўяман,— деди Холбек. У, папкасини орқасига бойлади-да, кўр кишини қўлтиқлаб йўлга тушди. Рустам уйига кетиб қолди.

— Сен пионерга ўхшайсан. Отинг нима?

— Отим Холбек. Пионерлигимни қандай билдингиз?

— Фе'лингдан сездим.

Кўр киши мактабга етгунча Холбекка турли саволлар бериб, у блан суҳбатлашиб кетди.

— Етдик, мана, шу бизнинг мактаб,— кўр киши ҳассаси блан ўнг томондаги бинони кўрсатди-да, бир лаҳза жим туриб қолди.

— Хайр, амаки.

— Раҳмат, ука!— деди у Холбекнинг елкасига қоқиб.— Мен сенинг бу яхшилигингнй сра унутмайман! Хайр, ука! Совуқда қолдинг, тезроқ кетақол!

Холбек кўр кишини хурсанд қилганига севиниб, совуқ еганини ҳам сезмай уйга кетабошлади. У, йигирма-ўттиз қадам юрар-юрмас, орқадан келган овозни эшитиб тўхтади. Кўр киши мактаб олдида кутиб турар эди.

— Нима дейсиз, амаки?— деди Холбек кўр кишининг олдида чопиб келиб.

— Холбек, сен қайси мактабда ўқийсан?

— Ўнолтинчи мактабда.

— Музикани севасанми?

— Жуда ҳам, сиз музика чалишни биласизми?

— Ҳа, гармон чаламан. Истасанг каникул вақтида сенга ҳам ўргатиб қўяман.

— Жуда соз бўларди-да! Сизнинг отингиз нима, амаки?

— Отим Фиёс, хайр, тезроқ кетақол, уйингдагилар кутиб қолишмасин.

— Хайр бўлмаса...

Кўр киши Холбекнинг орқасидан худди соғ одамлардек узоқ қараб қолди.

* * *

— Бир куни эрталаб дарсга қўнғироқ чалиниши олди-дан мактаб пионерлар вожатийси Холбеклар синфига кириб келди-да:

— Бугун дарсдан сўнг кичкина йиғилишимиз бор,— деб чиқиб кетди. Ҳамма бола таажжуб блан бир-бирига тикилишди.

— Бирор муҳим иш чиқиб қолган бўлса керак,— деди Холбек.

— Бирортаси прогул қилиб қўйгандир, биласизларми, ҳў бир маҳал ҳам Карим дарсдан сабабсиз икки соат кеч қолганида ҳам шунақа, тўсатдан йиғилиш чақирилган эди,— деди Аҳмад.

Дарсдан кейин пионерлар мактабнинг катта залига йиғилишди. Болалар ҳайрон бўлиб вожатийни кутмоқда. Бир вақт вожатий кўр кишини қўлтиқлаб пионерлар хонасидан чиқиб келди. Сафда турган Рустам кўр кишини кўриш блан ўнғайсиз ҳолатда қолди. Унинг назарида гўё Фиёс ака Рустамга қараб: «Ана, ўша бола мени ташлаб кетган!» деб юбораётгандай туйилди. Рустам юзини болалар орқасига яширди.

— Бу одам нимага келди экан-а?— сўради Рустам, аста Холбекни туртиб. Холбек эса Фиёс акадан кўзини узмай, «билмадим» дегандек елкасини қисди. Ҳамманинг диққати Фиёс акада эди. Вожатий Фиёс акага яқин келиб, аста ниманидир тушунтиргандан кейин, Фиёс ака киприкларини тез-тез учириб сўзлай бошлади:

— Ҳурматли пионерлар! Пионер деган номни олишдан ҳам ҳақиқий пионер бўлиш қийин. Мен сизларнинг

дружиангизда пионерга қабул қилинган бир синфдоши-
нгизнинг яхши иши ҳақида озроқ сўзлаб бермоқчиман.

Ғиёс ака Холбекнинг у кунги қилган ишларини бош-
дан-оёқ гапириб берди.

— Ана шунинг учун,— деб сўзини тугатди Ғиёс ака,—
Холбек Султоновга ва унинг пионер отрядига раҳмат!

Бирдан кўтарилган қарсақ овози катта зални қоплаб
олди. Вожатий Холбекни ўртага чиқариб қўйгач, ҳамма
пионерлар бараварига: «Пионер Холбекка раҳматлар
бўлсин!» деб қичқиришди...

* * *

* Уқишлар тамом бўлди. Холбек шаҳарга яқин жойдаги
пионерлар лагерига ўз ўртоқлари блан дам олгани чиқиб
келди. Лагерь, серсоя дарахтлар блан ўралган жуда кўр-
кам ва хушхаво жойда эди. Лагерь бошлиғи Раиса Аҳме-
дованинг рухсати блан Холбек Ғиёс акани лагерьга олиб
борди. Ғиёс ака ўз гармони блан болалар қувончига-
қувонч қўшди. Пионерлар орасида кўнгилли ўйинлар,
шўх ашулалар бошланиб кетди. Ҳаркунги физкультура
машғулотлари ҳам Ғиёс ака гармонининг ёқимли, ўйноқи
куйлари остида ўтабошлади.

Уша кунлари Ғиёс ака кўрлар мактабининг еттинчи
синфини битириш учун имтиҳонга тайёрланар эди. Холбек
блан Рустам, Турғун ва Эркин каби пионерлар маслаҳат-
лашиб имтиҳон охиригача Ғиёс акага ёрдам бермоқчи
бўлишди. Ғиёс ака эса ҳарбир фандан ўтган дарсларни
чуқур ўзлаштириб бўлгандан кейин имтиҳон топширгани
Холбек блан мактабга борарди. («Ўзбекистон» лагери
шаҳарнинг четида эди). Агар Ғиёс ака имтиҳондан «беш»
баҳо олиб қайтса, пионерлар чексиз хурсанд бўлар ва яна
кўпроқ ёрдам беришга ҳаракат қилар эдилар.

Ғиёс ака эса бўш вақтларида болаларга ашулалар
айтиб берар ва музика чалишни ўргатарди. Унинг ёрдами
блан Холбек, Рустам ва Эркин каби пионерлар бирнеча
куйни гармонда чаладиган бўлиб қолишди.

Ғиёс ака жуда қизиқ табиатли киши. У саёҳатга чиқишни севарди. Ўзи кўрмаса ҳам табиат манзараларидан чексиз қувонарди. Шунинг учун пионерлар Ғиёс акани саёҳат қилдирар, гўзал жойларни гапириб берардилар. Улар лагерьнинг ярмини эгаллаган ишкомлар тагидан ўтиб, олмазорга чиқишарди. Унинг пастида тезоқар анҳор ўтади. «Мана, анҳорга ҳам етиб келдик» дерди Ғиёс ака ҳаммадан олдин. Пионерлар завқ блан бир-бирига қарашарди. «Хў, ана у мажнун тол тагига бориб ўтирамиз» деб қўл чўзарди Ғиёс ака. Болалар уни анҳорнинг бўйидаги шохлари тола-тола бўлиб, ерга осилиб турган мажнун тол тагига бошлаб боришарди. Ғиёс ака кўмкўк майсалар устига ўтирарди-да, оёғини зилол сувга ташлаб, завқ блан гармон чалиб, қўшиқ айтабошлайди.

— Биласизларми, болалар!— деди бир куни Ғиёс ака бирдан гармонини тўхтатиб.— Мен сўнгги тарих имтиҳонидан ҳам «5» баҳо олиш учун сизларга сўз бераман!

Болалар уни табриклаб, ёрдамни давом этдирдилар. Улар бир неча кун давомида навбат блан Ғиёс акага қўшимча китоблар ўқиб беришди. Орадан кўп ўтмай, Ғиёс ака имтиҳонга тайёр эканини билдирди. У Холбек блан мактабга жўнади.


Ғиёс ака мактабга келгач, биринчи бўлиб имтиҳон столидан билет олди. У, билет устидан бармоқларини тез-тез югуртириб, ундаги саволларни ўқиди-да, комиссия столи олдида тик туриб бирма-бир жавоб берабошлади. Унинг тўғри ва мазмунли жавоби ҳаммани қойил қолдирди. Ғиёс ака бу гал ҳам «беш» баҳо олиб лагерьга қайтди.

— Беш! Беш!..— деб қичқирди болаларга Холбек.

Ғиёс акани кутиб турган пионерлар қўлларидаги гулларини Ғиёс акага топшириб, уни бирин-кетин табриклай кетдилар.

Ғиёс ака пионерларнинг ғамхўрлиги орқасида еттинчи синфни муваффақият блан тамомлагани учун жуда хурсанд эди. Болалар Ғиёс акани ўртага олишиб, анҳор бўйидаги катта сада тагига келиб ўлтиришди. Шу дам

Холбек югурганича бориб, Фиёс аканинг гармонини келтириб берди. Қувончга тўлган Фиёс ака қулочини кенг ёйиб, кичик дўстларига «Менинг Ватаним» деган ашулани куйлаб берди.



тинглади. Лекин ҳечнарсa эшитмади. У безовталаниб, уёққа, буёққа югурди. Тез-тез тўхтаб атрофга қулоқ солди. Унинг бу ҳолатидан қўрқаётгани сезилиб турар эди.

Зийрак катта харсанг устига ирғиб чиқди-да, худди одамдек аланглаб пастликка қаради, аммо ҳечнарсa кўрмади. Кейин осмонга қараб икки-уч марта вовуллади-да, жон-жаҳди блан қишлоқ томонга югуриб кетди.

Зийрак қишлоққа етиб келганида, Воҳид ўртоқлари блан мактаб майдончасида яхмалак отмоқда эди. Зийрак Воҳид ёнига келиб унинг этагидан тишлаб, қаттиқ вовиллайбошлади.

— Воҳид, итинг қутурганга ўхшайди,— деди ваҳима блан унинг ўртоқларидан бири.

— Йўғе, у менга бир нарсa демоқчи!— Воҳид Зийракнинг бошини силади.— Отам келганга ўхшайди.

Зийрак типирчиланиб безовга бўлмоқда эди. Воҳид «Итимда бир гап бор» деб уйига югурди. Уйда отаси йўқ Воҳид акаси блан Зийрак кетидан тоғ томон от қўйди. Бора-боргунча уларни аллақандай ваҳима босар эди. Тоққа етиб келгач, отларни пастда қолдиришиб юқорига чиқиб кетишди. Шамол анча бўшашиб қолган эди. Бир маҳал Воҳид тўсатдан:

— Ҳў ана, отам!— деб қичқириб юборди.

Зийрак эса тоғдан тушиб келаётган Қосим акани кўриб ирғишлайбошлади...


— Буёқда нима қилиб юрибсизлар?— ҳайрон бўлиб сўради Қосим ака.

— Зийрак бошлаб келди. Ўзингиз қаёқда юрибсиз?— деди Воҳиднинг акаси.

— Бирдан қаттиқ қор бўрони бошланди-да, кўз очирмай қўйди,— деб гап бошлади у.— Қарасам, иш чатоқ бўладиган. Нариги томонда бир ғор кўрган эдим, зўрга ўша жойга етиб олдим-у, қутилдим. Ит тозаям қидирган бўлса керак. Ўқ узиб Зийракни чақирай десам биттагиёна ўқим қопти. Бирор йиртқич учраб қолса керак бўлар, деган мақсадда отмадим. Қичқариш мумкин эмас. Оч

бўрилар эшитиб етиб келишади. Оббо Зийрагей, тинчмасдан қишлоққа борибсан-а!

Қосим ака Зийракни эркалатабошлади. Итидан хурсанд бўлган Воҳид унга табассум блан қараб турар эди.





ҚАДРДОН ПАРТА.

Танаффус пайтида синфга шляпасини қўлига ушлаган оқ кийимли бир йигит кириб келди-да, болалар блан сўрашгач, атрофни диққат блан кузатабошлади. У, доска, девор ва деразаларни кўздан кечиргач, ўртадаги бир парта ёнига келиб, унга тикилганича туриб қолди. Унинг кулимсираган юзи, бирор жойи тўсатдан оғриб қолгандек, бирдан ўзгариб кетди. Синфдаги болалар ҳайрон бўлиб, у йигитга қараб қолишди.

— Мана бу партада ким ўлтиради?— сўради йигит.

— Мен ўлтираман, нима эди, амаки?— деди таажжуб блан йигитга яқин келган юмалоқ юзли бола.

— Исмингиз нима?

— Турғун.

— Турғун, бу нима қилганинг, ука?— йигит унга парта устидаги пичоқ блан ўйилган ва чизилган жойларни кўрсатди.

Турғун нима дейишини билмай ерга қаради. Партадаги чизилган жойларга кўз қирини ташлаб қизарди.

Турғуннинг синфдошлари гоҳ унга, гоҳ йигитга қараб,

жим туриб қолишди. Улар нотаниш йигитнинг ким эканини билишга қизиқишар эди.


Йигит — мактабни битириб кетган ўқучилардан эди. У шу мактабда роса ўн йил ўқиган, Турғуннинг синфида, Турғун ўлтирган партада узоқ йиллар ўлтириб, ўнинчи синфни битириб кетган эди. У партани пичоқ блан ўйишари турсин, ҳатто қалам блан ҳам чизмаган эди.

Йигит Москвада беш йил ўқиб, инженер бўлиб келди. У, бугун ўзининг жонажон ўқитучилари, мактаби ва синфни кўргани келган эди.

— Укажон, наҳотки ҳар куни ўтириб илм оладиган партангни шунча ёмон тутсанг?— деди йигит ачиниб.

Парта атрофида давра олган болалар, чурқ этмай, партага тикилишганича жим туришар эди. Турғун ўз хатосини тушунди. У: «Амаки, мен иккинчи марта бундай нома'кулчилик қилмайман!» «Жонажон мактабим мулкани кўз қорачўғимдек сақлайман» демоқчи бўлди. Лекин айтаолмади.

Йигит «Хайр» деб, синфдан ноҳуш чиқабошлади. Турғун эса унинг орқасидан шошилиб икки-уч қадам ташлади-ю, йигитдан қандай кечирим сўрашни билмай, хижолат бўлиб тўхтади. У, жойидан жилмай, ерга қараганча афсусланиб турарди...



МУНДАРИЖА

Нотаниш дўстлар	3
Хирург	11
Илҳомнинг орзуси	19
Қуёш болалари	25
Орденли пионер	34
Учрашув	42
Совға	48
Ютуқнинг сирини	54
Боксёр	63
„Лочин“	75
Чотқол тоғларида	87
Дўстлар қувончи	100
Зийрак	106
Қадрдон парта	110